

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК. 930.26(575.1)**

ТОШАЛИЕВ ҚАҲРАМОН БОБОЁРОВИЧ

“АВЕСТО”ДА ОИЛА ВА ЖАМИЯТ МАСАЛАЛАРИ

5 А 220201 – “Ватан тарихи” ихтисослиги бўйича.

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

ИЛМИЙ РАҲБАР:
тарих фанлари доктори,
Шайдуллаев Ш.Б.

ТЕРМИЗ - 2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ _____ 3-12

I. Боб. «Авесто» илк ёзма манба сифатида

1.1 «Авесто» манбаларида оила таърифи _____ 13-23

1.2 «Авесто» да оиланинг жамиятдаги ўрни _____ 24-28

II. Боб “Авесто” ва қадимги жамият.

2.1 “Авесто” да жамият тушунчаси. _____ 29-35

2.2 “Авесто” жамиятининг археологик манбаларда акс этиши _____ 36-53

ХУЛОСА _____ 54-56

Сўзларнинг қисқача изоҳли луғати _____ 57-59

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ _____ 60-64

Тарих сабоқлари бизни ҳар хил нотўғри қадамлардан огоҳ этувчи, сақлаб турувчи омил бўлиши лозим. Чунончи, халқ, миллат тақдирига дахлдор масалаларда палапартиш, оқибатини ўйламасдан иш тутиш ярамайди.

И.А.Каримов

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилгандан сўнг тарихчи олимлар зиммасига Ватанимиз тарихи ва маданиятини объектив ва холисона ёритишдек улкан вазифа юкланди. Натижада моддий ва маънавий маданият, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий ва этник масалаларни ўзида мужассам этган ўтмиш тарихимизни янги илмий қарашлар, миллий ғоя, собиқ шўролар даври тарихшунослигига танқидий ёндашиш ва манбаларни янгича методологик жиҳатдан илмий таҳлил этиш асосида ўрганиш анъанаси кучайди. Президентимиз И.А.Каримов: “Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас”¹ - дея таъкидлаганидек, Ватанимизнинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихини холисона ўрганиш орқали аждоларимиз тарихи ва маданиятини ёритиб бериш тарихчи олимлар олдида турган муҳим масалалардан ҳисобланади.

Мустақиллик шарофати билан Ватанимиз тарихи ўз ўрнини топди, барча ўқув масканларида талаба-ўқувчиларга Ватан тарихини ўқитиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, Ватан тарихини ўқитиш йўлга қўйилди. Ватанимиз тарихи миллатнинг, ёшларнинг ҳақиқий тарбиячисига айланмоқда. Бу борада Президент Ислам Каримовнинг «Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди», «Тарих - халқ маънавиятининг асосидир», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Ўзликни англаш тарихни билишдан

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Тошкент: “Шарқ” нашриёти, 1998, 29-бет.

бошланади», «Инсон учун тарихдан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир»⁴ деган ифодали сўзлари ва кўрсатмалари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Президент И.А. Каримов ўтган 2009 йилнинг 25 август куни Термиз давлат университети Тарих факультети янги ўқув биносининг очилиши маросимида Бактрия археологиясига жуда катта эътибор қаратди. Қадимги Бактриянинг Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаёти ва этник шаклланишидаги ўрни ҳақида гапириб, Қадимги Бактриянинг давлатчилигимиз тарихидаги ўрнини янада ёрқинроқ, бой археологик манбалар асосида ўрганишга кўрсатмалар берди.

Қадимги тарихимизни яратиш, ҳамда «Авесто»нинг 2700 йиллик юбилей тантаналарига бағишланган БМТнинг фан ва маданиятни ривожлантириш тарихий обидаларни асраш кенгашининг (ЮНЕСКО) яқунловчи 155 – сессиясида президентимиз И.А. Каримов «энг мўтабар, қадимги қўл ёзмамиз «Авесто» нинг яратилганлигига уч минг йил бўлаяпти. Бу нодир китоб бундан ўттиз аср муқаддам икки дарё оралиғида, манашу заминда умргузаронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меъросидир. «Авесто» айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳечким инкор этолмайди»² дея ишонч билан таъкидлаган эдилар.

Дар ҳақиқат мустақилликга эришганимиздан сўнг кемтик бўлиб қолган қадимги тарихимизни, бой ўтмиш меъросимизни ўз ҳолича акс эттириш ва келажак авлодларга етказиш борасида устивор масалалар тарихчи олимлар зиммасига юкланди.

Президент Каримов И.А. «Бугун бой маданиятимиз қайси цивилизациянинг маҳсули? Шундай маданият бор экан, уни шу заминда

² «Туркистон» газетаси 2001 № 3 сони.

яшаган халк яратганми, ёки у бўм-бўш жойда пайдо бўлганми?»³ Халқимиз тарихи нақадар чуқур илдиз отган маданиятга эга эканлиги, президентимизнинг ушбу жумлаларида ўзининг аксини топган.

«Илгари бир неча бор таъкидлаганимдек, ҳар-бир халқ, жумладан ўзбек халқининг тарихи ҳам бетакрордир. Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз, бизнинг миллатимиз, халқимиз, кўҳна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келмоқда»⁴

Дарҳақиқат, «Авесто» бизнинг қадим ўтмишимизни ёритиб берувчи сарчашмаки уни инкор этиб бўлмайди.

«Авесто» бизнинг бугунги кунда шакилланиб, муҳим ижтимоий функцияни бажариб келаётган оилаларимиз, оилада Отанинг ўрни, оилада Онанинг ўрни, оилада фарзанднинг ўрни, оилада аканинг укага, опанинг сингилга бўлган мунособатлари батафсил баён этилганки, бу қадриятлар аجدодлардан авлодларга меърос бўлиб ўтиб келмоқда. Фарзанд дунёга келар экан у оилада ўсиб камолга етади, унинг тарбиясида Ота – Она билан бир қаторда қариндош уруғлар ҳам маъсулдирларки, бу ўзига хос ва ҳеч бир халқ маданиятида учрамайдиган мезонлардан биридир.» Оила икки жинс вакилларининг ўзаро ҳамжиҳатликда, келишув асосида куриладиган ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий ва ахлоқий ҳамфикрлийлик бирлигидир.»⁵

Оиланинг муқаддаслиги, унинг улуғворлиги «Авесто Видевдот» наскида қуйдагича мадҳ этилади.

«Эй Спитама Заратуштра! Хотин олган кимса, у дунёдан тоқ ва фарзандсиз ўтган одамдан афзалдир. Кимнинг уйи бор, у уйсиз бош панасиз

³ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажвк йук. Биз келажагимизни уз кулимиз билан кураимиз. Т. «Ўзбекистон» 145 бет.

⁴ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажвк йук. Биз келажагимизни уз кулимиз билан кураимиз. Т. «Ўзбекистон» 147 бет.

⁵Чориев А. Инсон фалсафаси. Т; «Шарк» 2002 6 -7 бетлар

одамдан афзалдир. Кимнинг ғамлаган бойлиги бўлса, у мол дунёсиз кашшоқдан афзалдир.»⁶ Оиланинг «Авесто»да юксак даражада улуғланиши қадимдан бу юртда истиқомат қилган ота – боболаримиз нақадар чуқур бой маданиятга эга бўлганидан яққол далилдир.

«Кимнинг уйи бор, у уйсиз бошпанасиз одамдан афзалдир».⁷ Ушбу жумлага этибор берсак ўз – ўзидан ижтимоий бирлик ҳақида сўз бораётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу эса бугунги кунда мамлакатимизнинг тараққиёти пойдевори бўлмиш «маҳалла»лар ҳақида бўлиб, у ўтмиш аجدодлардан биз авлодларга мерос бўлиб келаётган қадриятларимиздан биридир. Ушбу жамият тараққиёти қариб 3000 йиллик тарихни ўз ичига олади.»

«Жамият деб муайян эҳтиёж ва манфатларга кўра бирлашган кишиларнинг мажмуасига айтилади»⁸. Жамиятнинг шаклланишида қомил инсон тарбияси асосий мақсадлардан биридир. “Биз учун фуқаролик жамияти ижтимоий макон. бу маконда қонун устивор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини қамол топтиришга монеълик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади”.⁹ Бугун дунёнинг кўз ўнгида ривож топиб келаётган давлатимиз, уларнинг этиборини тортиб келаётган оилаларимиз, маҳаллаларимиз, ҳамда жамиятимизнинг қадимдан ривожланиб келаётган тарихини ўрганишни “Авесто” мисолида талқин этиш.

Ушбу манбаларни Ўзбекистон тарихига киритиш, ушбу диссертация ишининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Милоддан аввалги VII-V асрларни ўз ичига олади.

⁶ Исоков М. таржимаси «Авесто Видевдот» наски . Т .:»Тош. Дав. Шарқшунослик Институти» 2007 31- бет

⁷ Исоков М. таржимаси «Авесто Видевдот» наски . Т .:»Тош. Дав. Шарқшунослик Институти» 2007 31- бет

⁸ Қодров О. Саидов А. Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари Т. “Шарқ” 2002 13 -бет

⁹ Каримов И. А. Ўзбекистон хх аср бўсоғасида . хавфсизликга таҳдид барқарорлик шартлари ватараққиёт қафолатлари. Т;1997 173- бет.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Аслида “Авесто” шунослик китоб яратилган кезлардаёқ бошланган. Чунки, ўқиш ва қироат давомида “Авесто” нинг алоҳида фарғардларини, қийин сўзлар ва атамаларни тафсирлаш, шарҳлаб бориш ибодат пайтларида расм бўлган.

Македониялик Александр “Авесто” нинг бир нусхасини грек тилига таржима қилиб, асл матнини куйдиргач, сосоний ҳукумдорлар уни қайта тиклашга киришдилар.¹⁰ Натижада паҳлавий тилида “Зенд Авесто”, “Бундахшин”, “Динкард” сингари бир қанча китоблар яратилган. “Авесто” тарихшунослигини ўрганишда дастлабки маълумотлар, буюк алломалар ва тарихшунос олимлар томонидан милодий IX- XII асрларда яратилган.

Абулҳасан Али Ибн ал-ҳусайн Ал-Масъудий X асрнинг кўзга кўринган тарихшунос олимларидан бўлиб, ўзининг “Муруж аз - зақаб ” китобида қайд қилишича, Искандар Зулқарнайн Истар шаҳрини босиб олиб, олимларига “Авесто”даги тиббиёт, фалсафа ва илм нужумга доир қисмларини таржима қилдиртириб, қолганларини ёқиб юборишни буюради.¹¹ Буюк аллома Абу Райхон Беруний “Авесто” ҳақида қимматли маълумотларни қолдирган. Унинг “Осорул Боқия”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” номли тарихий асарида ёзилишича, аҳамонийлар салтанатининг подшоси Доро хазинасида “Авесто”нинг ўн икки минг қорамол терисига тилла суви билан битилган асл нусхаси бўлиб, Македониялик Александр томонидан унинг бир қисми ёқиб юборилган, бир қисми олиб кетилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.¹²

Абурайхон Берунийнинг ёзишича “Авесто” нинг бешдан икки қисми сақланиб қолган.¹³ Бундан кўришимиз мумкинки, ушбу нодир китоб ўзининг саводхонлиги ва такрорланмас маданиятни ифода этганлиги учун ҳам

¹⁰ Ҳомидий Ҳ “Авесто дан Шоҳномага” Т.; “Шарқ” 2007 21 бет.

¹¹ “Авесто” вამиллий истиқлол ғояси ; Ватан тарихи давлатчилик ва мафкура муаммолари, илмий назарий конференция. Қарши “Насаф” 2002 23- бет.

¹² Ҳомидов Ҳ. “Авесто” файзлари Т.:”Абдулла Қодирий номидаги халқ нашриёти” 2001 3-7бетлар.

¹³ Қайюмов А . Беруний ва адабий ижод . Т.: “Шарқ” 1973

кишилар назидан тушмаган, ханузгача уни тадқиқ этиш давом этиб келмоқда.

«Авесто» китобининг яратилиши, зардуштийлик дини, унинг тарқалиш ҳудудлари тўғрисида, Табарий ўзининг “Тарихи табарий” асарида жуда қимматли маълумотлар бериб ўтган. Ал-Масъудий, Муҳаммад Балъамийлар ҳам зардуштийлик дини ва унинг яратилиши, муқаддас китоби “Авесто” тўғрисида маълумотлар ёзиб қолдирган.

Ғарбий европада «Авесто»нинг ўрганиш ишини бошчиларидан бири Француз олими Анкетил дю Перрондир, у 1734 йил Парижда «Авесто» китоби тўғрисида тасаввур ҳосил қилди. Анкетил дю Перрон маълумотни 1728 йил Инглиз олими Жорж Бауже «Авесто»нинг бир неча қисм қўл ёзмаларини жанубий Ҳиндистондаги зардуштий уламоларидан қўлга киритиб, Оксфорд колежи кутибхонасига топширган,¹⁴ «Авесто» бобларидан олган эди. Аммо бу китобни ҳеч ким ўқишга мувофак бўлмаган. Анкетил дю Перрон қандай қилиб бўлмасин, уни ўрганиш иштиёқида 1755 йили бир кемага ишчи бўлиб ёлланди ва Ҳиндистонга жўнаб кетди. Олти ой давомида йўл босиб Ҳиндистонга етиб келди ва Пандишер деган жойга тушиб, сўнг Сурат деган қишлоққа бориб 1761 йилгача қолади. Бу ерда Зороастризмга содиқлиги туфайли Эрондан қувилган форслар яшар эдилар. Анкетил дю Перрон улар орасида яшайди, тилларини ўрганади. Ўша ердаги рухонийдан «Авесто» тўғрисида таълимот олади ва Францияга қайтгач Анкетил дю Перрон «Авесто» ни Француз тилига тўла таржима қилиб ва уни нашр эттиради.

«Авесто» нинг немис тилидаги таржимаси Ф. Шингел ва Ф. Вольфлар томонидан амалга оширилган (1852-1863 йиллар).

1861 йилда Санкт- Петербург Университетининг ўқитувчиси Коссович К. «Авесто»нинг асосий тўрт мақоласини рус ва лотин тилларига таржама

¹⁴ Исоқов М. Қаюмов А. ва бошқалар, Қадимги ёзма ёдгорликлар. Т.; “Ёзувчи” 2000 4 – 5 бетлар.

килади. Кириш мақоласи ва луғат билан таъминланган бу асар кенг оммага намоиш этилди.¹⁵ «Авесто»ни Коссович К. муфассал таржима қилган бўлсада, унинг насклари(қисмлари) араллишиб келтирилган эди. «Авесто»га кизиқиш тобора кучайиб борди, унинг шеърий мисраларини мадҳ этиш Бертельс Е. Э.¹⁶ томонидан ишлаб чиқилди.

«Авесто»да келтирилган тарихий номлар топонимикасини, унда келтирилган шахслар реаллигини, умумий талқин этган муаллиф бу М. М. Дьяконовдир.¹⁷ Ингилиз тилида қилинган «Авесто»нинг тўлиқ таржимаси И. Дарместатер ва Миллс Л. Х. қаламига мансубдир.

«Авесто»нинг форс тилида таржимасини Иброҳим Пур Довуд амалга оширган.¹⁸ Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»ни мукаммал ўрганиб чиқиб англиз тилида нашр эттирган олима Мэри Бойс ҳисобланади. У «Авесто» тўғрисида тўрт томлик асар яратди, асарни рус тилига И. М. Стеблин – Коменск таржима қилган.¹⁹ «Авесто»ни ўрганиш унга бағишланган илмий тадқиқодлар 1950 йиллардан кенг тус ола бошлади.

Профессор Н.М. Маллаев X-XII асрлар адабиёти рисоласида, шарқ халқларининг энг қадимги ёзув ёдгорликлари ҳақида фикр юритиб, «Авесто»нинг адабий қимматини алоҳида қайт этиб ўтган.²⁰ Кейинчалик бу мулоҳазаларнинг тўлдирилган нусхаси “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслик китобига киритилган. «Авесто»ни адабий жанрда илк тўлиқ ҳолда таржима қилган муаллиф Асқар Маҳкамдир.

Асқар Маҳкам «Авесто»ни таржима қилиб бирин-кетин “Гулистон” ва “Санъат”²¹ журналларида чоп эттиради. Филология фанлари доктори

¹⁵ «Авесто» Коссович К. Таржимаси Санкт- Петербург “Наука” 1861

¹⁶ Бертельс «Авесто» т-1 “наука” М-1960

¹⁷ Очерки истории древнего Ирана М; “Наука” 1961

¹⁸ «Авесто» Иброҳим Пур Довуд таржимаси . Бомбей “Кома институти” 1926 , қайта нашри 1933

¹⁹ Бойс М. Зорастрийци . Вера и обычаи. ., перевод с английского и примечания Стеблин- Коменского М.; “Наука” 1988

²⁰ Маллаев Н. М. X-XII асрлар адабиёти. Т.; “Шарқ” 1958 .

²¹ Исоқов М. «Авесто» Санъат журнали Т; 1993 №-3 сони; Соғлом авлод учун Т; 1996 №- 4 сони; Гулистон журнали Т; № 11 – 12 сонлари.

Фозила Сулаймонова ўзининг “Шарқ ва Ғарб” рисоласида қадимги Ўрта Осиё ва Эрон халқлари маданиятининг антик дунё цивилизациясига таъсир илдизларини таҳлил қилиб, зардуштийлик ва у билан боғлиқ афсоналарни эллин маданиятида кўринишларини аниқлашга эришди.²²

М Исоқов «Авесто» ва унинг бўлимларини чуқур таҳлил остида таржима қилиб бирин кетин нашр эттирди.²³ А Қаюмов, М Исоқов, А. Отахўжаев, Қ. Содиқовлар томонидан “Қадимги ёзма ёдгорликлар” китоби нашрдан чиқарилди.²⁴ Бу китобда «Авесто» матнлари билан бир қаторда, Сўғдийларнинг будда фалсафаси, қилмишларимизнинг сабаблари ва оқибатлари сутраси, Туркий матннавислик тарихидан, Уйғур ёзувлари, Монийчилик тавба номаси ва шунга ўхшаш бир қанча тарихий манбалар акс эттирилган.

«Авесто»нинг ўзбек тилида нашр этилиши китобхонларга бой ўтмиш меросимиздан хабардор бўлиш имконини яратди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак «Авесто» нафақат диний, тарихий манба сифатида талқин этилади, балки унда ахлоқ, одоб, маърифат, маданият, куртаклари борки, бу халқимизнинг қон – қонига сингиб кетган қадриятларимизда ўзининг аксини топган. «Авесто»да жамият унда инсоннинг ўрни кенг этироф этилганки, бу қадим давлатчилик тарихимизга бориб тақалади десак ҳеч муболоға бўлмайди.

«Авесто»ни ўрганиш тобора кучайиб бормоқда, лекин асрлар ўтиб ханузгача «Авесто»да оила ва жамият масалалари ёритилмаганлиги сабабли, ушбу мавзу магистрлик диссертацияси сифатида танланди.

²² Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб Т.;. “Шарқ” 1997 35 – 37 бетлар.

²³ Исоков М. таржимаси «Авесто Видевдот» наски . Т :. “Тош. Дав. Шарқшунослик Институти” 2007
Исоков М. таржимаси «Авесто Яшт» наски . Т :. “Шарқ” 2001

²⁴ Қаюмов А, Исоков М, Отахўжаев А, Содиқов Қ , Қадимги ёзма ёдгорликлар.. Т;.. “Ёзувчи” 2000

Илмий иш мақсади. «Авесто»да оиланинг жамиятда тутган ўрни ва оиланинг шаклланиши асослари ва оилада ахлоқ, одоб, маърифат, маданият, ва жамият масалаларини ўрганиш ва ёритиш магистрлик диссертация ишининг мақсади ҳисобланади. Муаллиф ёш тадқиқотчи сифатида зардуштийлик даврига оид манбаларни тўплашни, уларга илмий, асосли равишда ёндашишни мақсад қилди.

Илмий тадқиқотнинг вазифалари. Илмий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қуйидаги вазифаларни бажариш мақсад қилиб олинган:

- тадқиқот натижаларида тўпланган материаллар асосида нашр қилинган илмий ишларни илмий ўрганиш асосида, зардуштийлик даври маданиятининг ривожланиш босқичларини ёритиб бериш;
- «Авесто»да оиланинг жамиятда тутган ўрнини аниқлаш;
- «Авесто»да жамият тушунчаси шаклланишини ўрганиш;
- «Авесто»да оиланинг шаклланиши асослари ва оилада ахлоқ, одоб, маърифат, маданият, ва жамият масалаларини ўрганиш;
- мазкур тадқиқотлар натижаларига илмий ёндашиш ва уларни таҳлил қилиш;
- «Авесто»да жамиятининг археологик манбаларда акс этишини кузатиш;
- ушбу илмий изланиш натижаларини ва илмий хулосаларни янги илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш;
- диссертацияда олиб борилган илмий изланишлар натижаларини баён қилиш;
- тадқиқотларни замонавий илмий қарашлар асосида талқин қилиш.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация иши бўйича амалга оширилган илмий натижалар ва хулосалардан бакалавр-тарихчи талабалар учун “Ўлкашунослик”, “Ўзбекистон тарихи” фанларидан талабаларнинг курс ишлари, мустақил ишлари ёзишлари ҳамда зардуштийлик жамияти тарихига оид семинар ва

мустақил таълим машғулотларига тайёргарлик кўришда кенг фойдаланиш мумкин.

Илмий тадқиқотнинг янгилиги. «Авесто»ни ўрганиш тобора кучайиб бормоқда, ҳозирги кунга келиб «Авесто» китоблари бир нечта тилларга таржима қилинди ва улар асносида китобда келтирилган тарихий номлар топономикасини, унда келтирилган воқеалар ва жараёнлар, шахслар реаллигини умумий талқин этишда бир қанча ютуқлар қилинди. Бизнинг диссертациямизда «Авесто» китоблари таржимаси асосида «Авесто» жамиятининг оила ва жамият масалалари ёритишга ҳаракат қилинди.

«Авесто»да келтирилган оила ва жамиятга тегишли манбалар мавзу илмий янгилиги кўламининг кенгайишига хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Тадқиқот иши кириш, 2 боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Ушбу магистрлик диссертацияси 64 бет матн ва альбомдан иборат.

I Боб «Авесто» илк ёзма манба сифатида .

1.1 «Авесто» манбаларида оила таърифи.

«Авесто» нинг ўрганилиши, татқиқ этилиши қадим ўтмишда яшаган халқларимизнинг турмуш тарзи, маданиятидан янада чуқурроқ маълумодлар олиш имкониятини берди.

«Авесто» жамиятида оила жуда муҳим ижтимоий бирликни акс эттирган, ҳаттоки зардуштийлик дининг эзгулик худоси Ахурамазда ҳам оиласи билан акс эттирилганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Сенинг отанг улуғвор²⁵
Маъбудлар худоси ул,
Ахурмазднинг ўзидир.
Онанг Армайтиспанта,²⁶
Оғаларинг Сраоша .
Алп Рашну ва Митра,
Яйловлари уфқ оша .
Сон саноқсиз кўзлари,
Минг қулоқли ҳам ўша.
Даэна эгачингдир ,²⁷
Улуғ мақтовга тенгдир.

«Авесто» жамиятида оиланинг муқаддаслаштирилиши худо Ахурамазда томонидан эътироф этилганлиги, қолайверса моногам оила эъозланганлигини

²⁵ «Авесто яшт» китоби. Аши алқови(Орд яшт) 40 бет.

²⁶ Спета Армайти - испандармат ер маъбудаси.

²⁷ Даэна – дин (образлаштирилган)

кўришимиз мумкин.Заратуштиранинг туғилиши , у туғилган юртга файз
барака келганлиги , оилада қувонч жўш урганлиги ҳақида ҳам қуйидагича
қуйланади.

Утуғилган чоғида ,
Ўсмирлик қучоғида.
Бўлган кезларидаёқ,
Бу поёнсиз оламдан.
Юртнинг чўлу тоғидан,
Қувончга сиғмаган сув.
Гуркираб ўсганди ўт,
Қочди қабих Ахриман,
Нияти шум Ахриман.²⁸

«Авесто» жамиятида ми ав II минг йиллик ва бир минг йилликларда,
оиланинг муқаддаслиги,оила бошлиғи ва унга бўлган ҳурмат , уй бекалари ўз
хўжаларини кутиши Аши алқовида қуйидагича таърифланади.

Хобгоҳ узра ўлтирар ,
Суюкли хотинлари .
Юмшоқ парёстикларда,
Нафис зийнатлар ичра .
Олтин ичра зебланиб,
Билак узук мунчоқлар.
Сирғалари тўрт қирра,

²⁸ «Авесто яшт » китоби .Аши алқови (Орд яшт) 40 бет.

Сўзлашишар ўзаро .
Хожамиз келар қачон,
Суюк бадан рохатин.
Тотармиз бизлар қачон,
Фаравон полвон аши.
Бўлгин издош аши.²⁹

«Авесто» да никоҳ мунособатлари, оиланинг, эр ва хотиннинг жамиятдаги ўрнини белгилаган.

Уйланмаган йигитлар, эр кўрмаган қизлар жамиятнинг тўлиқ субъекти сифатида қаралганки , уларнинг тарбияси бутун халқнинг зиммасига бўлган.

«Авесто» жамиятида халқ учун муҳим масалаларнинг ечимини ,оила қурган , турмушга чиққан , ва албатта фарзандли бўлган кишилар ечиши лозим бўлган. Улар турли халқ йиғинларида ўзларининг сўзлари билан иштирок этганлар.

Аши шундай очди сўз,
Бебушт эркак келтирса,
Эҳсонини олмасман.
Туғмас хотин худойи,
Қилса қабул қилмасман.
Қўли ҳолол бўлмаган,
Ўсмир эҳсонини ҳам.
Эр кўрмаган норасид,
Бўйи етмаган қиз агар,³⁰
Келтитрса эҳсон олмам.

²⁹ «Авесто яшт» китоби Аши алқови (Орд яшт) 39 бет.

³⁰ «Авесто яшт» китоби Аши алқови (Орд яшт) 46 бет.

«Авесто» жамиятида энг бузик иллатлардан бири сифатида ҳоҳишабозлик жуда қаттиқ қораланган. Аёл кишининг аёллик касали бу ёвуз кучлар таъсири деб билинган.

Шундай қилмб даставвал,
Аши йиғлаб зорланди.
Ҳайэ кўрмас бир бузик,
Аёл киши устидан.
Унга яқин йўлама ,
Бир ёстикқа қўйма бош.
Энди унинг дастидан,
Кўкка кетайми учиб,
Ерга тушайми қайтиб.³¹

Оиланинг буюк тимсоли сифати бу эр- хотиннинг бир -бирига садоқатли бўлишидир. «Авесто» жамиятида оилага бўлган садоқат нақадар улуғланадики, бунинг акси ўлароқ оилага хиёнат кечирилмаган , айниқса аёл хиёнати қабила – уруғ ғурури паймол қилиниши билан тенглаштирилган. Бундай аёл ўлимга лойиқ бўлган.

Шунда Аши зорланиб деди,
Ўзга эркакдан туғиб ,
Боласин ўз эри бағрига келтирувчи,
Бузик аёл устидан.
Бундай аёл дастидан,

³¹ «Авесто яшт» китоби Аши алқови (Орд яшт) 46 бет.

Осмонга учайинми,
Ё ерга кириб кетай.
Йиғлаб зорланди Аши,
Бузукқа бўлма ёндош.
Ёстиғига қўйма бош,
Не чора топайинки ,
Касофатин даф этай.³²

Инсоннинг улуғворлиги, табиятнинг буюк мўжизаси эканлиги тўғрисида «Авесто» да ижобий фикрлар берилган. Бугунги кунда ҳам жамиятимизда қаттиқ қораланиб, эътироф этилаётган зўравонлик , енгилтаклик унинг натижасида етим бўлиб қолаётган норасидалар , ёки туғилишидан олдин она қорнидан болани мажбуран суғириб олиш «Авесто» жамиятида қаттиқ қораланган.

Сўнгра муқаддас Аши,
Йиғлаб яна зор этди.
Қизларни ўғирлашиб,
Туғдирмайин чақалоқ.
Кечиктириб қайтарган,
Одамлар иши ёмон.³³

«Авесто» жамиятида аёл кишининг ўрни оилада алоҳида талқин этилган.

³² «Авесто яшт» китоби Аши алқови (Орд яшт) 46-47 бетлар.

³³ «Авесто яшт» китоби Аши алқови (Орд яшт) 47 бет. Бунда Қозоклар, Қорақалпоқларда ҳозиргача сапқланиб қолган оила қуришда қайлиқ ўғирлашнинг ибтидоси сифатида қарашимиз мумкин.

Соғлом хотин нафақат бола туғиш, уни тарбиялаш билан балки барча юмушларда эрига суянч , мадаткор бўлган.Митра алқовида аёл кишининг оиладаги ўрни қуйдагича куйланган:.

Соғ хотин сендан ато,³⁴
Бақуват аробалар .
Юмшоқ ўрин ва ёстик,
Ато айларсан митра.
Соғ хотин ато сендан,
Ўрин жой ва ёстик.
Қутли уйга бахш этиб,
Тақвадор номоз ўқиб.
Номинг такрорлаганларга,
Қурбонликлар бағишлаб,
Сенга ёлворганларга.³⁵

Митра алқовида , эрлар уйида митрага топинсалар , ўша уйда файз-барака келиши ҳақида гап боради. Бу эса «Авесто» жамиятида оиланинг бошлиғи улуғланишини намаён қилади.

Лойиқ бўлса бер доим,
Эрлар уйига митра.
Сенга аҳди бор эрнинг,
Савобга доҳил қилғил.³⁶

³⁴ Хотин - “Авесто” да Нманупат деб аталган (уй бекаси)

³⁵ «Авесто яшт» китоби Митра алқови (Меҳир яшт) 52 бет

«Авесто» жамиятида оила муҳим бир ижтимоий функцияни бажарганки, бунда жамиятнинг мустаҳкамлиги эл юрт тинчлиги ва ривож оилаларнинг мустаҳкамлигига боғлиқлиги эътироф этилган. Маъбуд митра алқовида буни кўришимиз мумкин.

Митрага топинурмиз,
О уй сардори митра.
Уруғ аймақ ва халқнинг,
Мамлакат жамоанинг,
Сардори улуғ митра.³⁷

«Авесто» жамиятида 15 ёш балоғат ёшидан етуклик сари қўйилган қадам сифатида эъти роф этилган. Халқимизда ажойиб мақол бор “Ўнга кирдим сонга кирдим” , “Ўнбешгаман ,ғурмишчаман,тоғни уриб талқон қитламан ”, бу айнан «Авесто» жамитидан бугунги кунгача ўтиб келаётган ан-аналарнинг давоми сифатида қарашимиз мумкин.

«Авесто» жамиятида 15 ёшга тўлган болалар оилада эркаклар сафига қўшилган ва асосан 15 ёшдан кейин улар оила қуриши мумкин бўлган. 15 ёшга тўлган йигитлар оилада, жамиятда муҳим ижтимоий, сиёсий муаммоларни ҳал этишда иштирок этганлар. Улардан ҳам мулоҳазалар эшитилиб ,турли хил усуллар билан синовдан ўтказилганлар. Қизларнинг турмушга чиқиш ёши 12-13 ёш деб белгиланган. Қизлар турмушга чиқишида асосан жисмоний етуклиги инобатга олинган , бу соғлом турмуш тарзини шакллантиришда эътибор берилганлигидан далолатдир.

³⁶ «Авесто яшт» китоби Митра алқови (Меҳир яшт) 61 бет.

³⁷ «Авесто яшт» китоби Митра алқови (Меҳир яшт) 65 бет.

Ўн беш ёшда йигитга,
Илк бор боғланар белбоғ.
Бу ёшда белбоғ таққан,
Йигит кучга тўлишар.
Ўнбешида йигитлар,
Эл қаторига киришиб ,
Сўзга ҳақли бўлишар.³⁸

Жамиятда оила муҳим ижтимоий қатлам бўлганидек , келажак авлод, туғилажак бола ҳам шунчалар муҳим сифат билан эътироф этилган.

Янги оила қураётган йигит ва қизнинг соғликлари учун маъбудларга ибодатлар қилинган. Дуолар орқали эр ва хотин жисмоний етукликка эришишига ишора этилган.

Ардви барча эрларнинг,
Томчи сувин поклайди.
Барча аёл зотининг,
Бачадонин софлайди.
Аёллар туғруғини,
Айлайди эсон омон.
Кўкрагини вақтида,
Тўлдиради сут билан.
Унинг бита тармоғи,
Етти кишвар ошади.

³⁸ «Авесто яшт» китоби Митра алқови (Меҳир яшт) 65-66 бетлар.

Қишин ёзин тинмайди,
Оқиб тиним билмайди.
Эркаклар уруғини ,
Аёллар бачадонини,
Барокатли айлайди ,
Кўксига сут жойлайди .³⁹

Ўз уйини оиласини эозлаган , асраган эр ватанини , юртини асраши ҳақида сўз боради .Зеъро бежизга Ота-Боболаримиз “Ватан бу остонадан бошланади” дея таъкидламаганлар.

Маконни асрагаймиз,
Тарк этмай уни асло.
Хонадонни асраймиз,
Уруғни асрагаймиз,
Элни тарк этмагаймиз.
Мамлакатни авайла,
Душмандан қудратли қўл,
Асраган каби барин.⁴⁰

Ватанга, юрган бўлган муҳаббат «Авесто» жамиятида нақадар қадирланадики, бунда макон ва замон тушинчалари энг олий қадрият сифатиди қаралганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

«Авесто Видевдот» китобида уйланиш ,оила қуриш, ўзидан насл қолдириш, яшаш учун керакли бўлган барча моддий манбаларни тўплаши, оиласи , ўзи яшаши учун уй жой қуриши , мол дунё йиғиш худо Ахура мазда

³⁹ «Авесто яшт» китоби Фравардин алқови 84 бет

⁴⁰ «Авесто яшт» китоби митра алқови 58 бет.

томонидан хитоб этилганлигини кўришимиз мумкин. «Авесто» жамиятининг юксак даражада ривожланишига зардуштийлик дини ва унинг амаллари орқали эришилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Худо Ахура мазда деди , Эй Спитама Заратуштра ! Хотин олган кимса , у дунёдан тоқ ва фарзандсиз ўтадиган одамдан афзалдар.

Кимнинг уйи бор , у уйсиз бошпанасиз одамдан афзал .

Кимнинг ғамлаган бойлиги бўлса , мол-дунёсиз қашшоқдан (албатта) афзал.

Кимнинг гўшт еб тўйиш имконига эга бўлса ,ундан яхшилик кутиш мумкин. Оч қолган одамдан тўқ ода яхшироқ.⁴¹

Оилада ўлик бола туғилиши жуда катта фожия сифатида тақин этилади. Ўлик бола тукқан хотин одамларда йироқроқда сақлани, харом девлардан холи бўлиш учун махсус амаллар бажарган .Покловчи восита буқа пешоби хисобланиб , аёл унга чўмилган . Уни оғриқ тарк этмаса қон тўхтамаса пешобдан ичирилган .

«Авесто» жамиятида инсоннинг соғлиги , унинг кадр- қиммати юксак даражада эъзозланган. Агар инсон касалликка чалинса уни доволаш дуолари , усуллари ва тартиби ҳақида ҳам тўхалиб ўтилган.

Эмчи⁴² муъбадни⁴³ унинг дуолари эвазига даволаши лозим, Нманупати (уй эгаси эркак) ни бир танача эвазига, Виспати (қишлоқ оқсоқоли) ни буқача эвазига , Зантупати (туман оқсоқоли) ни новвос эвазига, Даюпати (юрт бошлиғини) ни тўрт от қўшилган арава эвазига даволаши лозим бўлган.

Нманупат (уй бекаси) ни бир моча (урғочи эшак) эвазига, Виспат (қишлоқ оқсоқоли хотини) ни бир сигир эвазига, Зантупат (туман оқсоқоли

⁴¹ «Авесто видеводот » китоби 3- боб 31 бет.

⁴² Эмчи - табиб

⁴³ Муъбад – дин пешвоси.

хотини) ни бир бия эвазига, Дахюпат (юрт ҳокими хотини) ни бир моя (туянинг ургочиси) эвазига даволаши мумкин бўлган.⁴⁴ Бундан кўришимиз мумкинки «Авесто» жамияти даврида жамият демократлашган бўлиб, хизмат кўрсатиш турлари вужудга келган, бу эса жамият ривожига хисса қўшган.

«Авесто» да йуқумли касалликлар ҳақида сўз борган бўлиб касалликнинг тарқалиш омиллари кескин қораланган. Бу эса соғлом инсон, соғлом оила, соғлом жамият негизини ифодалайди.

“Даҳмалар девлар яшайдиган жойдир. Будаҳмаларда девлар даҳманинг бадбўйлиги йўқ бўлгунча яшаган ” бундай даҳмаларда юқумли касалликлар уй куради ,кўтир , иситма , безгак, тез қариб қолиш каби касалликлари даҳмалардан келган дея эътироф этилган. Бундан кўриниб турибдики барча касалликларнинг олдини олиш бу тозаликка риоя этишга боғлиқ эканлиги эътироф этилган.⁴⁵

Зардуштийлик дининг эътиқодчилари нафақат ўз худоларини балки динда эътироф этилган ҳайвонларни ҳам эъзозланганлар. Шундай ҳайвонлардан бири бу итдир. «Авесто» жамиятида оилада ит боқиш урф бўлган, ит оилага келадиган барча ёвузликларни олдини олади дея қаралган.⁴⁶ Бугунги кунда ҳам мамлакатимизнинг барча хонадонларида ит боқилиши , ит ва инсон ўртасидаги дўстлик анашу даврданок халқларимизнинг қон қонига сингиб кетган бўлса не ажаб.

«Авесто» да оиланинг юксакларга кўтарилиши унинг муҳим объект сифатида эътироф этилиши, бугунги кунда муҳим ижтимоий синф сифатида қаралаётган оилаларимизнинг ибтидоси десак муболоға бўлмайди.

⁴⁴ «Авесто видевдот» китоби 48 бет.

⁴⁵ «Авесто видевдот» китоби 50 бет.

⁴⁶ «Авесто видевдот» китоби 67-75 бетлар.

1.2. «Авесто» да оиланинг жамиятдаги ўрни.

«Авесто»нинг жуда кўп ўринларида бевосита аёллар мадҳини учратамиз. Жумладан 3-готда «Биз барча аёл ва эркакларнинг пок рафторлари ва равонларини мадҳ этамиз» дейилса, Яштларда «Биз пок ва шижоатли аёлу эркакларнинг руҳи равонларини матҳ этамиз» деган фикрларни учратамиз. Зардушт бўлса «аёл ҳуқуқини таҳқир этмоқ ёмон амалдир, у нодонлик белгисидир» дейди. Зардушт қизини турмушга бериш олдида куйидагича насиҳат қилади: «Эй Пручисто, эй кенжа қизим, мен сенинг отанг эканман, маздопарастлик динининг тарғиботчиси Жомаспни сенга жуфти ҳалолликка интиҳоб этдим. Энди сен у билан ақлу фаросат билан маслаҳат қил, бу маслаҳатни қабул этсанг, поклик расми билан ақди никоҳ боғлаймиз». Зардушт яна бўлғуси келин-куёвларга куйидагича мурожаат қилади: «Энди мен Сизларга шахсан мурожаат этаман: пандимга кулоқ солинг ва айтганларимни хотирангизга муҳрлаб олинг. Ҳалоллик билан кун кечириш йўлида ғайрат ва шижоатли бўлинг. Ҳар бирингиз яхши хулқингиз билан бир-бирингизга меҳр қўйинг, токим муқаддас эр-хотинликни хурсандлик ва хушбахтлик билан ўтказинг». Зардуштийларда никоҳ бир умрга муҳрланган, бир эркакка икки никоҳ ёки вақтинча никоҳ раво бўлган эмас. Эру хотиннинг бир-бирига хиёлати қаттиқ лаънатланган, бегона эркак билан жуфтлашган аёл бадном қилиниб, жазоланган ва никоҳдаги эри учун «ҳаром» ҳисобланган.

Аждодларимиз жамиятда, оилада аёлнинг эрлар билан баробар ҳуқуқли бўлишларига интилишган. «Авесто»нинг 53-Яштида Аҳурамаздонинг бу хусусидаги фарзларию Зардушт пандлари келтирилган. Яштлардаги муҳофазаларга қараганда, жамият ҳаётининг бирон соҳасида хотин-қизлар ҳуқуқи чекланган эмас. Чунончи, улар рўза тутган, беш вақт ибодатни қанда қилмаган, ибодатни ўз хоҳишларига кўра яқка ёки эркаклар жамоасига хамроҳликда адо этишган, Оташқадалардаги қироатда, мусиқа жўрлигида

Яздонни мадҳ этувчи мадҳияларни ижро этишда қатнашган. Оила бутлиги ва фаровонлигини таъминлашда аёлнинг ўрнига алоҳида эътибор беришган.

«Авесто»нинг асосан насрий баёнлардан иборат бўлган «Видевдот» кисмида оила бутунлигини сақлаш, никоҳ тартиблари, эр-хотиннинг мажбурияти, никоҳнинг бекор қилиниш сабаби ва шартлари анча батафсил баён этилган. Алоҳида Яштларда Ахурамаздо ёки Зардуштнинг келин-куёвларга даъвати, мурожаатлари келтирилган.

Ахурамаздо дейди: «Эй Спитамон Зардушт! Мен оилали эркакларни оиласиз мардлардан кўра мухтарам тутаман. Кимда ким. балоғат ёшига етган йигитнинг уйланишига моддий ёрдам берса, унга бу дунё-ю у дунёда савоб ёғдираман», «уйланиш, оила қурмоқчи бўлган ҳар бир кишига йўл кўрсатмоқ ва моддий ёрдам бермоқ ҳаммазҳабларнинг вазифасидир». Зардушт дейди: «Эй оила кураётган йигит-қизлар, сизларни огоҳлантириб шуни айтмоқчиманки, ҳар бирингиз покиза ҳаёт йўлида ғайрат қилингиз. Ҳар бирингиз яхши хулқ ва яхши хатти-ҳаракат билан ўз ҳаётингизнинг хуррам ва саодатли ўтишига эришинг! Шуниси характерлики, зардуштийлар одатича қиз балоғатга етгач, уни турмушга бериш ота-она изнида бўлса ҳам, қизнинг розилиги албатта сўралган ва у билан ҳисоблашган. Кадхудо (эр), Кадбону (хотин) машваратисиз, розилигисиз қизни эрга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган. Ўз вақтида жуфти ҳалол танлай олмай ёки бошқа жисмоний сабабларга кўра турмуш қурмай, ёшлари ўтиб қолган аёллар доғдустир(қози) фатвоси билан Оташкада ва унинг қарамоғидаги китобхона, дармонгоҳ, (поликлиника), сихатгоҳ. (касалхона) ҳамда хужраларда хизмат қилишган.

Зардуштийликда купхотинлик қатъий ман этилган. Айн и пайтда ҳаётни буйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга етган қиз бола ота-она, жамоанинг раъйини писанд қилмай, ўзидан зурёд қолдиришни истамай, қасддан турмушга чиқмай умргузаронлик қилиб юрса, у қопга солиниб, 25 дарра калтакланиш билан жазолан-ган; йигит зурриёт қолдириш қобилияти бўла

туриб, атайлаб уйланмай юрса, у бадном қилиш мақсадўида ҳар доим темир камар боғлаб юришга мажбур этилган.

Бундан ташқари, «Авесто»да оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига кулоқ тутиш хусусида ҳам наларнм, ўз-галарнинг яхши маслаҳатларига кулоқ тутинг ва уларга равшан андиша билан қаранг. Яхши билан ёмонни фарқлашга диққат қилинг. Ҳар бир эркак ва аёл фур-сатни бой бермай, ўзи тўғри йўлни танласин, токим ҳаёти пок ва хирадманд ёр билан ўтадиган бўлсин». Юқорида таъкидланганидек, «Авесто»да никоҳ ва талоқнинг узига хос мезонлари бирма-бир қайд қилинган. Жумладан, турмушга чиқиш ва уй бекаси бўлишнинг беш тури курсатилган:

1. Подшоҳ хотин. Бунинг маъноси шундаки, йигит ва қиз ота-оналарининг розилиги билан турмуш қурадилар. Бунда оналарнинг мавқеи баланд бўлади.

2. Аюқхотин, яъни «яккабону». Агар йигит бирон оиладаги ягона фарзанд — қизига уйланса, олдидан бу хонадонни яккалаб, меросхўрсиз қолдирмасликка ваъда беради, янги оилада туғилган биринчи ўғил бобосию бувисининг номига ўтказилади ва бола уларнинг меросхўри бўлади.

3. Чоқар хотин, Аввалги жуфти ҳалолидан ажралган эркак ёки аёл қизига янги турмуш ўртоғи танлайди. Зардуштийлик эътиқодича, эр ёки хотин вафотидан сўнг олдинги жуфти ҳалолига никоҳ- соҳиби ҳисобланади. Бинобарин, иккинчи эр ёки хотин олдингисининг чоқари ҳоблаиади. Шунингдек, эр фарзанд қуриш илинжида, биринчи хотин розилиги билан иккинчи маротаба уйланса, иккинчи аёл биринчисига нисбатан «чоқархотин» ҳисобланади.

4. Ўзбошимча хотин. Зардуштийлик дини қоидасига кўра, ўғил қизлар 21 яшар булгунга қадар эркин жуфти ҳалол танлаш ҳуқуқига эга эмас. Агар йигит қиз билан аҳду паймон қилиб, ота-оналар (розилигисиз никоҳдан ўтмоқчи бўлса, жамоа вакиллари бундай тўйни ўтказишган аммо муъбад никоҳ ўқиғанда «томонлар ота-оналарининг розиликларисиз турмуш

кураётганликлари учун уларга тегажак меросдан махрум этиладилар» деган жумлани қўшиб қўйган. Бу келин «худсар-узбошимча хотин» номини олган.

5. Ситтар хотин. Агар эр-хотин узоқ муддат яшасалару зурриёт кўрмасалар ёки кўчага биров ташлаб кетган чақалокни олиб «фарзандхонд» қилиб олишса, бу оила аёли «ситтар хотин» булади.

«Авесто»нинг айнан шу масалага оид бобларида никоҳни бекор қилиш ва талоқ масаласи изоҳланган. Бу ерда ҳам эру хотиннинг тенг ҳуқуқлилигига алоҳида эътибор берилган ва никоҳ бекор қилинишининг қуйидаги ҳолатлари санаб ўтилган:

1. Никоҳдан сунг томонларнинг бирида асабий ноқислик, телбалик аломати зоҳир бўлса, солим томон бу никоҳдан воз кечиш ҳуқуқига эга.

2. Эр эркаклик қобилиятига эга булмаган тақдирда аёл талоқ, қилиш имкониятидан фойдалана олади.

3. Уч йил давомида ҳам эр оиланинг моддий жиҳатини таъминлай олмай, ҳатто аёлини боқаолмаса, хотин бундай эрни ташлаб кета олади, яъни талоқ, қилади.

4. Агар томонлар бир-бирларининг бошқа эр ва хотин билан зино қилганларини сезса, бундай никоҳ, «харом» булади ҳамда томонлар бир-бирларини талоқ қиладилар.

5. Агар хотиннинг ҳаёти эри зулмидан хавф остида қолса, у ўз жуфтини талоқ, қила олади.

6. Хотин уз эридан қоникмай, ножўя, ғайришаръий хатти-ҳаракатлар қилса, эркак бундай аёлдан воз кеча олади. Эркак киши уйланиш пайтида олдинги хотинини бекитса-ю тўйдан кейин бу сир фош бўлса, бундай никоҳ, ботил ҳисобланади.

7. Эркак ёки хотин Зардуштий динидан юз ўгирса, яъни бошқа динни қабул этса, талоқ вожибдир. Зардуштийдикда оила муқаддас саналгани учун бошқа сабабларга кўра, жумладан иғво, тухмат эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилигига, ота-она билан чиқиша олмаслик баҳонаси билан

НИКОҲНИНГ бекор қилинишига йул қўйилмаган. Хотин-қизлар орасида учраб турадиган бўҳтон, чақимчилик, хусумат гуноҳи азим сифатида каттик кораланган, гап ташувчи, иғвогарлар дарра уриш билан жазоланган.

Қуйидаги фикрлар аёл зотининг жамиятда, оилада, инсоният тарихида тутган ўрнига берилган энг адолатли баҳодай туюлади: «Дастлабки кундаёк Аҳурамазда аёлларга буюрди: Эй аёл! Сен эътиқодли ва паҳлавон эр-какларни вужудга келтириб, меҳр тўла оғушингда парвариш эт, деб яратдим. Токи улар нодурустлик ва нопоклик илдизини ер юзидан йўқотсинлар».

Шуниси ҳарактерлики, «Авесто»да аёллар номи ҳам рамзий моҳиятга эга эканлиги изоҳланган. Масалан, ёдгорлик матнида хотинлар «Рита Сия бону» ёки «Оша-бону» деб аталган. Бунинг маъноси «Поклик ва ростлик нури»дир. «Бону» сузи ҳам «чарағон, ёруғлик» маъносини англатади. «Матри», яъни «Она» сўзи «тарбияловчи» маъносида изоҳланган; «Авесто»да сингил сўзи «Совасри» шаклида қўлланилган бўлиб, «муқаддам ва хайрихоҳ» маъносини англатади.⁴⁷

Хуллас, Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да аждодларимизнинг оила ва хотин-қизларни мукаррам тутиш ҳақидаги пешқадам фикрлари ўз ифодасини топган. Энг муҳими, зардуштийлик эътиқодида боболаримиз оилани жамиятнинг муқаддас бўлаги, деб билиб, унинг ривожу равнақи, мустаҳкамлиги учун курашган.

II. Боб “Авесто” ва қадимги жамият.

⁴⁷ Ҳомидов Ҳомижон «Авесто» файзлари.57-62 бетлар.

2.1 “Авесто” да жамият тушунчаси.

Бугунги кунда жамият тушинчаси кенг тармоқ остида онгли холда, фуқаролар уюшмаси шаклида юзага келади. Жамият муайян эҳтиёж ва манфаатларга кўра бирлашган кишиларнинг мажмуасига айтилса, жамият қаърида мустаҳкам сиёсий уюшма, давлат пайд бўлади.

«Авесто» да уй, жой, макон тушинчалари қадрланиб, айниқса уруғ, жамоа тушинчаларига жуда катта эътибор қаратилган.

Эр ўғлонларга сендан,
Сийлов фаравон юртлар.
Унда ҳар не муҳайё,
Ўрин тўшаклар тайёр.
Мол мулклар туганмас,
Берарсан эзгуАши.
Сен эргашган зотларга,
Сонсиз шараф уларга.
Сен эргашган зотларга,
Сен менга эш бўл,Аши.
Куч қудрати мўл қодир,
Ашига топинганлар,
Уйлари обод, гўзал.
Тургувидир безавол,
Унда тўла пода мол.
Эзгу Аши кимиг сен,
Изма-из йўлдошисан.⁴⁸

⁴⁸ «Авесто яшт» китоби Аши алқови (Орд яшт) 39 бет.

«Авесто» да жамият тушинчаси кенг маънони англатган, ижтимоий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда сиёсий уюшмага бирикканлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

«Авесто» да оила бошлиғи, уруғ бошлиғи, жамият бошлиғи, давлат бошлиқлари мавқеи юқори турганки, уларнинг фаолиятлари халқнинг тақдири билан боғлиқ бўлган. Улар қилган ҳар бир хато, халққа етказадиган аъзоблари учун худо уни жазолаши, агарда эзгу ишга қўл урса худо унга бахт ато этиши баён этилган.

Митрага топинумиз..
Алдовларга учмайди,
Ёлғонларга юрмайди,
Уни алдлмас уйда.
Уйнинг беги, эгаси ,
Уруғда уруғ боши,
Қабилада йўлбошчи,
Мамлакатда ҳукмдор.
Митрани алдай олмас.
Агар уйда уй беги,
Бўлса каззоб,алдоқчи,
Уруғда уруғ боши.
Қабилада йўлбошчи,
Мамакатда ҳукмдор,
Митра ҳалок айлагай.
Жаҳлу ғазабга миниб,
Унинг ҳам урғию,
Қабила ва юртин ҳам.

Ўлдирар уй ўлжасин,
Маҳв тар уруғ бошин.
Йиттирар доҳийларин,
Юрт ҳокимларин йиғар,
Мулк шоҳларин ўлирар⁴⁹.

«Авесто» жамиятда асосий турмуш тарзида машғулот, деҳқончилик билан бирқаторда чорвачилик билан ҳам шуғилланганлар. Моллар билан турли ҳудудларга кўчиб юришга мажбур бўлганлар. Зардуштийлик динининг эътиқодчилари қаерда бўлмасинлар ибодат пайтида албатта юрт тинчлиги учун ҳам ибодат қилишганлар. Бу ибодат диний амаллар сирасига киритилган.

Митрага топинурмиз..
Юртга томон юрганда,
Юртлар аро турганда,
Митрага топинурмиз.
Юрт ичида, юрт узра,
Мирага топинурмиз.
Юрт гирдида, остида,
Митрага топинурмиз,
Юрт ортида бўлса ҳам.⁵⁰

Президентимиз Каримов И.А. “Ватан тинчлиги, юрт ободончилиги йўлида барчамиз масъулдирмиз” дея таъкидлаганларидек «Авесто» жамиятида ҳам юртнинг мудофаси барча учун бир қилиб белгиланган.

⁴⁹ «Авесто яшт» китоби Митра алқови (Меҳр яшт) 51 бет.

⁵⁰ «Авесто яшт» китоби Митра алқови (Меҳр яшт) 70 бет.

Рухонийлар худодан ёмғир сўраб илтижо қилиб юртнинг тинчлигини тиласалар, йигитлар ёвдан ҳимоя қилганлар, ҳунармандлар ҳунари билан, чорвадорлар чорваси билан юрт равнақига ҳисса қўшганлар.

Уларнинг ҳар биттаси,
Уруғ ужути учун.
Самодан сув излайди,
Ўз қишлоғи, тумани.
Дахйу юрти қайғуси,
Билан дуо айлайди.
“Юртим абад, илоҳо Қақроқ-қашоқ бўлмасин”
Улар ўз юртларида,
Жанг бўлса, бунда ҳозир.
Ўз ватани ўлани ҳамда
Ўлан тўшагин одамларин.
Қўллашиб ботир жангчи,
Мисоли, жангавор қурол.
Яроқ тутиб гўё қўлга,
Юрт фаравонлигини,
Борлиқ ва бойлигини.
Уруғ аймағи билан,
Бирга бирга қўриқлар,
Жанг белбоғини боғлаб.
Ғолиб бўлган жангларда,
Ўз юртига сув бошлар.
Уруғ аймағи учун,
Ҳаёт элтар, сув элтар.

Қишлоғи, вилояти,
Юртни сувга маъмур.
Этар, сўнгра дуода,
“Ўз юртим ўлан юртим
Ўссин, унсин, яшасин”,
Дея ниятлар қилар.⁵¹

«Авесто» жамияти давлат бошқарувида авлоддан аجدодга меърос бўлиб ўтишини тан олади, халқнинг манфаати учун юрт ҳокими ворислари ҳам масъуллиги тилга олинади.

Юрт ҳокими, подшоҳлар
Эга бўлган қудратдан,
Уларнинг ворислари ,
Насибдор ул қудратдан.
Қўрксинлар барча душман,
Кавиусанда бор эди.⁵²
Кавиусанга ёр эди.⁵³

«Авесто» жамияти инсоннинг яратувчанлигини кадрлайди, ушбу ҳолат Видевдотда қуйдагича қуйланади.

Кимки ерга (ўнги) соғу сўл қўллари ила, сўли соғ қўллари ила ишлов берса у инсон яъни , иймонли эр , сен менга соғу сўл, сўлу соғ қўлларинг ила ишлов бердинг худо ҳаққи юртингни мен риск ила тўлдираман, худо ҳаққи барча ем билан тўлдираман.⁵⁴

Бу маънода барча жамият кишиларининг оилаларини меҳнатга чорлайди, айниқса ҳар жиҳатдан тўқис оилалар жамиятнинг таянчидир.

⁵¹ «Авесто яшт» китоби Фравардин алқови (Фраварин яшт) 93-94 бетлар.

⁵² Кави Усан “Шоҳнома” да кайовус Кави Усан шалининг давоми.аввал коҳин ,подшо, башоратчи, шоир турган.

⁵³ «Авесто яшт» китоби Варахран алқови (Варахран яшт) 100 101 бетлар.

⁵⁴ «Авесто Видевдот» 3 фрагард 19 бет.

Бундай оилалар юксак жамиятни қолаверса, буюк давлатни яралишида пойдевор бўлиб хизмат қилади.

«Авесто» жамиятида йил ҳисоб китоблари ҳам ўша давр учун аниқлик касб этган.

Авесто йил ҳисоби - Эрон ва Марказий Осиё халқлари қўллаган энг қадимги йил ҳисоби, тақвим. Бу тақвим зардушт таълимоти билан бирга вужудга келганлиги учун зардушт тақвими, ой номлари ва бошқа ҳамма атамалари "Авесто" китобидан олинганлиги учун авесто тақвими ҳам дейилади. Эронда қўлланган энг қадимги тақвим бўлганлиги учун ҳозирги илмий адабиётларда қадимги эрон тақвими номи ҳам ишлатилади.

Зардушт йил ҳисоби қуёш йилига асосланган бўлиб, 12 ойдан иборат. Ҳар бир ой 30 кун, яна қўшимча 5 кун бор. Бу 5 кун алоҳида ой ҳисобланади. Тақвимдаги 12 ойнинг номи "Авесто"даги маъбудаларнинг номига бориб тақалади. Ой номларидан ташқари ой таркибига кирган кунлар (30 кун) нинг ҳам алоҳида-алоҳида номлари бор. "Авесто"нинг милодий VI асрда сосонийлар даврида тузилган матнида ойлар ва кунларнинг тўлиқ номи рўйхати келтирилган. Бироқ баъзи тақвим атамалари "Авесто"нинг энг азалий қисмлари деб ҳисобланувчи милоддан аввалги VIII-VII асрларда таркиб топган. "Готлар"да ҳам учрайди. Зардушт тақвими қачон ва қаерда тузилганлиги тўғрисида фанда ҳозирча аниқ маълумот йўқ. Олимларнинг тахмин қилишича бу тақвим Шарқий Эрон ёки Марказий Осиёда милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларида тузилган. Дастлаб, ғарбий Эронда Аҳмонийлар даврида расмий давлат тақвими сифатида қабул қилинган (илмий адабиётларда қадимги эрон йил ҳисоби деб аталишининг сабаби ҳам шу). Бу ҳолат Аҳмонийлар даврида зардушт динининг кенг ёйилиши билан изоҳланади. Зардушт тақвими Ҳиндистонда ҳозирги вақтда истиқомат қилаётган зардушт жамоаларининг тақвими билан қиёслаб кўрилганда мазкур тақвим ғарбий Эронда Аҳмонийлар даврида милоддан

аввалги 505,490,484,481, ва 441 саналарнинг биридан бошланган деб ҳисоблаш мумкин. Абу Райҳон Беруний ўзининг "Хронология" асарида юқоридаги йилларнинг энг охиргиси милоддан аввалги 441 йилни энг тўғри сана деб олади ва зардушт тақвими шу йилдан бошланган деб кўрсатади. Зардушт тақвими 365 кун, ҳар бири 30 кундан тузилган 12 ой ва яна 5 кундан иборат, тўрт йилда яна 1 кун орттирилган. Демак, ҳар тўрт йилда (кабиса йилида) 12-ойнинг охирига 5 кун эмас, 6 кун қўшилган.

Зардушт йил ҳисоби қадимги эрон манбаларида - Бехстун ва Нақши Рустам китобаларида ҳамда бошқа ёзма ёдгорликлар ва ҳужжатларда тез-тез тилга олинади.

Шундай қилиб зардушт тақвими Аҳмонийлар давридан бошлаб давлатнинг иш юритиш бўйича расмий тақвими бўлиб қолади. Шу билан бирга бу тақвим зардушт дини байрамлари, расм-русумларини олиб боришда диний тақвим ҳам бўлиб қолаверади.

Зардушт ойларининг номлари:

1. Фарвардинмоҳ,
2. Орди - беҳиштмоҳ,
3. Хурдодмоҳ,
4. Тирмоҳ,
5. Мурдодмоҳ,
6. Шаҳривармоҳ,
7. Меҳрмоҳ,
8. Обонмоҳ,
9. Озармоҳ,
10. Даймоҳ,
11. Баҳманмоҳ,
12. Исфандармазмоҳ.⁵⁵

⁵⁵ W.W.W.E-tarix.uz

2.2 “Авесто” жамиятининг археологик манбаларда акс этиши.

Зардуштийлик динининг ривожланишини икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчиси диннинг пайдо бўлиш даври бўлиб бу даврни «Заратуштра» даври деб атаймиз. Иккинчи даври эса “Авесто”нинг яратилиб диннинг ривож тобган босқичи даврига бўламиз. Бу даврлар мил.ав. II минг йилликнинг сўнгги чораги ва милодий I минг йилликларни ўз ичига олади. Аҳамонийлар босқини даврда Ўрта Осиёда ҳақиқий конунлашган зардуштийликнинг - «Авеста»нинг пайдо бўлишини кузатамиз. Шу даврда зардуштийликнинг тўлиқ шаклланганлигини археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Бронза даврида Ўрта Осиёнинг жанубида ўликларни нарсалари билан ерга кўмиш одат бўлган бўлса, энди бу одатга барҳам берилган, негаки шу даврга оид кўплаб археологик ёдгорликлар қазилган бўлса-да (Кучуктепа, Бандихон I, Қизилча VI) археологлар бирорта қабрга дуч келганлари йўқ. Бу ҳолат ўликни кўмиш урф-одатларида тубдан ўзгариш содир бўлганлигини - зардуштийликнинг шаклланганлигини кўрсатади. Тотемизм белгиси сифатида ҳар хил ҳайвон ва табиат белгилари туширилган тумор ва муҳрларнинг ҳаёт тарзидан чиқиб кетиши ҳам диний қарашларнинг марказлашганлигидан, тўлиқ шаклланганлигидан далолат беради.

Зардуштийликнинг ривожланишидаги кейинги босқичлар В.И. Абаев томонидан қуйидагича бўлинган: Аҳамонийлар даврида зароастризм; Сакистон зароастризми; Сосонийлар даврида зароастризм⁵⁶.

Аҳамонийлар даври зароастризми бўйича қуйидаги фан янгиликлари В.И. Абаев эътиборидан четда қолган кўринади. Сўнгги йилларда Аҳамонийлар империяси марказларидан бири - Персеполь шаҳри харобаларида олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида бу шаҳарда ўликни ерга кўмиш одатининг жуда кўплаб сақланиб қолганлиги зардуштийликнинг

⁵⁶ Абаев В.И. Два зароастризма в Иране // ВДИ. - М.: 1990, №4. - С. 198-207.

Эрон худудига, хусусан унинг марказларига ҳам тўлиқ ёйилмаганлигидан далолат беради. Бактрияда ҳам зардуштийлик билан бир каторда Ахамонийлар даврида ўликларни ёкиш одати сақланиб қолганлигининг археологик манбалари бор. Академик А.А. Асқаров томонидан очиб ўрганилган Пишактепа ёдгорлигини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ерда тадқиқотчилар ёнган одам суяклари маълум урф-одатлар бўйича кўмилганлигининг гувоҳи бўлишган.

«Авесто» ва моддий маданият.

Ёзма манбаларда келтириладиган моддий маданият тўғрисидаги маълумотларни археологик маълумотлар билан боғлаш тарихга энг янги фан янгиликларини беришига археолог-тадқиқотчилар аллақачон ўз эътиборларини қаратганлар ва фанда маълум илмий хулосалар қилишга эришганлар. Бу борада немис археологи И.Райнинг изланишлари диққатга лойиқ. У «Ригведа» маълумотлари асосида арийларнинг Ҳиндистонга келиши ва қадимги Ҳиндистонда Хараппа маданиятидан сўнг моддий маданият намуналарининг ўзгариши сабабларини аниқлашга эришган⁵⁷.

«Ригведа» билан эгизак манба ҳисобланадиган «Авеста»ни Ўрта Осиё археологиясида Ёз I даври билан боғловчи археолог ва авесташунос олимлар кўпчилиқни ташкил этади⁵⁸.

⁵⁷ Ray W. Topferei und Tongesheir im vedischen Indian // AWL. Jg. 1972, 10. – P. 246-252; W.Ray. Zur vedischen Altertumskunde // AWL. Jg. 1983, 1. – P. 311-327.

⁵⁸ Lyonnet B. Ceramique et peoplement du chalcolitique a la conquete arabe ... – P. 298-321; И.В.Пьянков. Некоторые вопросы этнической предыстории таджикского народа // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Вып. II. История и археология. - М.: 1990. – С. 224-232; М.Х.Исомиддинов. Истоки городской культуры Самаркандского Согда ... – С.221; А.С.Сагдуллаев. «Авесто»да акс этган диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар // «Авесто» ва унинг инсоният таракқиётидаги ўрни. Ташкент-Урганч, 2001. –Б. 21-23.

«Авеста»да келтириладиган айрим маълумотларни археолог олимлар бевосита Ўрта Осиё халқлари моддий маданияти тарихи билан боғлаганлар ва маълум бир илмий муваффақиятларга эришганлар.

И.М. Дьяконов «Авеста»да пул муносабатлари, солиқ тўловлари, алоқа йўллари, Аҳамонийлар империяси ва сатрапликлари бошқаруви усуллари тўғрисидаги маълумотлар учрамайди», деган хулосага келган. Бу маълумотлар фанда «Авеста» даври моддий маданиятини ўрганиш ва шу асосда унинг ёшани аниқлашда янги илмий йўналиш бўлиб хизмат қилган⁵⁹.

М.М. Дьяконовнинг «Авеста»да ифодаланган воқелиklar асосида Авеста даври моддий маданияти ҳақидаги фикри ҳам диққатга молик. Унинг ёзишича, «Авеста» жамоасининг моддий маданияти архаик формада бўлган, бу жамоа ҳали шаҳар ҳаётини ва умуман шаҳарларни билмайди. Меҳнат тақсимоти, яъни деҳқончиликдан ҳунармандчиликнинг ажралганлиги тўғрисида маълумотлар ҳам йўқ, ҳаттоки, бу жамоа темирдан меҳнат куроллари ясашни ҳам билмаган», деган фикрга келган⁶⁰.

М.М. Дьяконов тадқиқотларидан фарқли ўлароқ бошқа тадқиқотчилар «Авеста» жамоасининг деҳқон ва чорвадор аҳолиси темирни билганлиги ва ундан ҳунармандчиликда кенг фойдаланганлиги хусусида, «Авеста»да махсус ҳунарманд, кулол, тўқувчи каби сўзларни англатган терминларни, каналлар қазилганлиги тўғрисидаги маълумотларни топишган⁶¹.

Тадқиқотчилар томонидан «Авеста» даври аҳолисининг ижтимоий гуруҳларга ажралганлиги ёки жамоанинг ҳуқуқсиз аъзолари (*vīra*, *vaesa*) ҳақида маълумотлар борлиги аниқланган⁶². Аслзода (*azata*, *asna*), ҳарбий (*ravaestar*), ҳукмдор (*sastar*, *satar*) каби аҳолининг ижтимоий қатламларга ажралганлиги хусусида ҳам илмий изланишлар қилинган. Асарда

⁵⁹ Дьяконов И.М.. Истории Мидии ... - С. 7-48.

⁶⁰ Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА.Том XIX, 1954. – С.181-187.

⁶¹ История таджикского народа. С древнейших времен до V века н.э. Под ред. Б.Г.Гафурова и Б.А.Литвинского, Том I, - М.: 1963. –С. 140.

⁶² История таджикского народа ... – С.143-145;

келтирилган ижтимоий терминлар асосида тадқиқотчилар «Авеста» даври жамоасининг ижтимоий таркибини ҳам ишлаб чиққанлар: оила (nmana) → уруғ, уруғ жамоаси (vis) → қишлоқ жамоаси (zantu) → вилоят, мамлакат (dahyu). Шу изланишлар натижаси ўлароқ оила бошлиғи (nmanopati), уруғ оқсоқоли, яъни бошлиғи (vispati), жамоа бошлиғи (zantupati), вилоят, мамлакат ҳукмдори (dainhupati) каби ижтимоий терминлар ҳам аниқланган. Давлатчилик тарихи учун энг муҳим термин бўлган, «Михр Яшт»даги вилоятлар бирлашмаси «dainhusasti» термини давлатчилик тарихи учун қимматли ҳисобланади⁶³.

«Авеста» даври жамоаси уч қисмдан - «ратайштар», «атриван» ва «вастрьо-фшуйант»дан иборатлиги аниқланган. И.В. Пьянковнинг фикрига қараганда, «ратайштар» археологик жиҳатдан платформалар устига қурилган аркларда, «атриван» арклар атрофида қад кўтарган қалъасифат кўрғонларда, учинчи қатлам «вастрьо-фшуйант» эса арксиз қишлоқларда яшаган аҳолига менгзалган⁶⁴. Тадқиқотчининг аниқлашича, арклар атрофида қарам аҳоли, арксиз қишлоқларда эса озод деҳқонлар истиқомат қилган.

«Авеста»да келтирилган жамоаларга оид терминларни биринчи марта И.М. Дьяконов Мидия жамоаси билан таққослаган⁶⁵. Шундан сўнг кўплаб археолог-олимлар ўрганаётган маданиятлари аҳолисининг ижтимоий таркибини «Авеста» жамоаси билан таққослашган. А.А. Асқаров Сополлитепа аҳолисини, Т.Ш. Ширинов Жарқўтон аҳолисини, В.И. Сарианиди ва В.М. Массон Марғиёнанинг бронза даври аҳолисини, Ю.А. Заднепровский Чуст маданияти аҳолисини, А.С. Сагдуллаев Бактриянинг илк темир даври аҳолисининг ижтимоий таркибини «Авеста» жамоаси билан

⁶³ Авесто.Михр яшт. 87.

⁶⁴ Пьянков И.В. Социальный строй древнеземледельческих народов Средней Азии (Опыт исторических реконструкции) // Центральная Азия. Источники, история, культура. Тезисы докладов конференции, посвященной 80 - летию Е.А.Давидович и Е.А.Литвинского. Москва, 3-5 апреля 2003 года. - М.: 2003. - С. 132-135.

⁶⁵ Дьяконов И.М.. Истории Мидии ... - С. 382-403.

таққослашган⁶⁶. Шуни айтиб ўтиш лозимки, «Авеста» жамоаси умум формула сифатида бронза ва илк темир даври жамоаларига мос келади ва шу даврларга оид барча маданият жамоалари учун қўллаш мумкин.

«Авеста» жамоасининг синфий характери бeлгилoвчи «vira» ёки «vaesa» терминларини И.М. Дьяконов уй хизматкори, қул деб тушунса, В.М. Массон оиланинг, жамоанинг кичик аъзoси деб билади⁶⁷. Маълумки, аҳолининг антогонистик синфларга ажралганлигини билдирувчи археологик белги, бу аркларнинг пайдо бўлишидир. Ўрта Осиё археологиясида илк маротаба муҳофаа деворлари билан ўралган, шахристондан алоҳида ажралиб турган, платформалар устида қурилган арклар Ёз I даврида пайдо бўлади (Ўзтепа, Кучуктепа, Тиллатепа).

Зардуштийлик урф - одатлари бўйича «насасса»ларни ҳам жамиятнинг куйи табақа аъзоларига қўшиш мумкин. Улар мурда билан боғлиқ барча маросимларни бажаришган. Насассалар алоҳида, яъни жамоадан ажратилган жойларда яшашган. Улар жамоа жойларига борганда қўнғироқ тақиб олишга мажбур бўлишган. Қўнғироқ товушини эшитган зардуштийлар улардан қочишга, тегиб кетмасликка ҳаракат қилишган. Демак, насассалар жамоанинг куйи табақаси ҳисобланиб, жамоадан ажратилган⁶⁸.

Ю.А. Заднепровский Чуст маданияти ёдгорликларидан топилган иш ва жанг қуролларининг «Авеста»да тасвирланган отлиқ жангчининг қуроллари билан ўхшашлигини эътироф этган⁶⁹. Маълумки, «Авеста»да отлиқ аскар камон, икки тигли болта, ханжар, металл дубулға таққан ҳолатда таърифланган.

⁶⁶ Аскарoв А.А. Сапаллитепа; Т.Ш. Ширинов. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс. ... д.и.н. М.. 1993; А.С.Сагдуллаев. Усадьбы древней Бактрии...; Ю.А.Заднепровский. Древнеземледельческая культура Ферганы ...; В.М.Массон. Древнеземледельческая культура Маргианы ...; В.И.Сарианиди. Древние земледельцы Бактрии.

⁶⁷ Дьяконов И.М. Истории Мидии ... - С. 180.

⁶⁸ Boyce M.A. History of Zoroastrianism. Vol. II. Under the Achaemenians. - Leiden-Koln, 1982, - P.305.

⁶⁹ Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. МИА . №118. - М.: Л., 1962. - С. 92.

«Авеста»нинг энг қадимги Гат қисмларида аҳолининг кўп қисми асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан, деҳқончиликдан кўра чорвачилик билан кўпроқ шуғулланганлиги эътироф этилади. Унда суғорма деҳқончилигининг бўлганлигини тасдиқловчи, яъни каналлар қазилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўқиса бўлади⁷⁰. Шимолий Бактриядаги энг қадимги канал ҳам Кучук I даврига тўғри келади. Бу Бандихон канали бўлиб, Э.В. Ртвеладзе томонидан ўрганилган ва Бандихон I даврида қазилганлиги таъкидланган⁷¹. Каналлар казиш, буғдой ундириш зардуштийликда яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси деб тушунилган. Деҳқончилик билан боғлиқ бўлган курол-аслаҳалар ҳам «Авеста» муаллифи эътиборидан четда қолмаган⁷².

Энг ривожланган меҳнат тури бўлган ҳунармандчилик тўғрисидаги маълумотларни «Авеста»дан ўз вақтида В. Гейгер топа олмаган эди⁷³. Шундан сўнг Е.Е. Кузьмина Видевдатдан сопол пишириладиган хумдонлар тўғрисида маълумотни топган⁷⁴. «Авеста»да кулолчилик чархи тўғрисидаги маълумотлар учрамайди ва кўплаб тадқиқотчилар «Авеста» жамоасини кулолчилик чархини билмаган ёки ундан фойдаланмаган деб ҳисоблайдилар⁷⁵.

«Авеста»да ҳунармандчиликнинг яна бир тури - темирчиликнинг ва умуман темирнинг кашф этилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар бўлмаса - да, «Кичик Авеста»даги «ауаһ» сўзини В. Гейгер “темир” деб ўқиган бўлса, А. Бартоломэ эса бу терминни умумлаштириб “металл” деб таржима қилган⁷⁶. Ҳар икки шарқшунос олимнинг «Авеста» тилини билганлигига шубҳа қилмаган ҳолда айтишимиз мумкинки, археологик жиҳатдан Ёз I

⁷⁰ «Авесто», Видевдат, 5,5,6,2;12,13,38; Б.В.Анрианов. Роль ирригации в становлении древних государств // От классовых обществ к раннеклассовым. - М.: 1987.

⁷¹ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия - Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). - Ташкент, 1990. - С. 22-38.

⁷² «Авесто», Видевдат 3,32; 17,3.

⁷³ Geiger W. Ostiranische Kultur im Altertum. - Erlangen, 1882, - P.338.

⁷⁴ «Авесто», Видевдат 8, 84, 85; Е.Е.Кузьмина. Откуда пришли индоарии? - М.: 1994. - С. 119.

⁷⁵ Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? - М.: 1994. - С. 120.

⁷⁶ W.Geiger, Ostiranische Kultur im Altertum. - Erlangen, 1882. - P. 147-148.

даври А.С. Сагдуллаев томонидан Ўрта Осиёда бронза давридан илк темир даврига ўтиш даври деб аталган⁷⁷.

Марғиёна ва Бактриянинг бронза даврига оид деҳқончилик маданиятларининг аввалида майитни уйларнинг поллари, деворлари ва йўллар тагига кўмиш урф бўлган. Сўнгги бронза даврига келиб эса алоҳида қабристонлар ташкил этилади. Майит билан бирга кулолчилик ашёлари, тақинчоқлар, меҳнат қуроллари ва ниҳоят гўштли ва донли маҳсулотлар кўшиб кўмиш одат бўлган⁷⁸.

Бактрия, Марғиёна ва Сўғдиёнанинг илк темир даври ёдгорликлари сўнгги 50 йил мобайнида ўрганилиб келинмоқда. Аммо, шу даврда қабристонларнинг учрамаслиги, бу ҳудудларда зардуштийлик урфи бўйича дафн этиш маросимлари ёйилганлиги ҳақида ўйлашга асос бўлади. Бронза асрида энг кенг тарқалган майитни ерга лаҳад қазиб кўмиш одати энди учрамайди⁷⁹. Археологлар томонидан Шимолий Бактриянинг Бандихон ёдгорликлари мажмуасида, Миршоди воҳасининг Қизилча манзилгоҳида ва Қизилтепа қазилмаларида, Сўғд ҳудудидаги Сангиртепа ёдгорлиги ва унинг атрофларида сочилган одам суякларини топишган. Бу ҳолатни кузатган А.С. Сагдуллаев Страбоннинг «Бактрия атрофлари одам суяклари билан тўла эди. Македониялик Александр бу маросимга барҳам берди» деган хабарини тарихий ҳақиқат деб қабул қилишни таклиф этади⁸⁰. Ҳақиқатдан ҳам, Ёз I даврига келиб Бактрия, Марғиёна ва Сўғд ҳудудларида қабрларнинг учрамаслиги, ёдгорликлар ва уларнинг атрофларида одам суякларининг сочилиб кетганлиги зардуштийлик ёки унга яқин бўлган дафн маросимининг тарқалганлигини кўрсатади.

⁷⁷ Сагдуллаев А.С. Заметки о раннем железном веке Средней Азии // СА. - М.: 1982, №2. – 215-221.

⁷⁸ Аскарлов А.А. Сапаллитепа ... –Табл.ХХІ; А.А.Аскарлов. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы ... С. 58; В.М.Массон. Древнеземледельческая культура Маргианы ... – С. 97.

⁷⁹ А.С.Сагдуллаев. «Авесто»да акс этган диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар // «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. - Ташкент-Урганч, 2001. - Б. 21.

⁸⁰ Сагдуллаев А.С. «Авесто»да акс этган диний маросимлар ... – Б. 22.

Қиш даврида, ёмғир ва қорли кунларда мурдага қандай муносабатда бўлиш тўғрисида ҳам «Авеста»дан айрим маълумотларни топишимиз мумкин. Ҳар бир жамоада, ҳар бир қишлоқда майитлар учун алоҳида хона - «ката» қурилганлиги маълум⁸¹. Қурилган хонанинг кўлами одам тик турганда боши шипга, ётганда эса кўл ва оёқлари деворларга тегмаслиги лозим бўлган. Шу ерда мурда маълум вақт, токи «қушлар учиб келгунча ва кунлар исигунча» сақланиши мумкин бўлган. Фикримизча, археологик жиҳатдан шундай хона Қизилтепа қазишмалари чоғида ҳам ўрганилган. Ушбу хонадан одам суяқларининг бўлаклари топилган. Ўрганилган хонанинг сатҳи 9 кв.м бўлиб, қалин тоза тупроқ қатлами билан тўлдирилган. Бу хонадан ҳеч қандай археологик топилма, шунингдек иситиш ва ошхона ўчоқлари излари ҳам топилмаган. А.С. Сагдуллаевнинг фикрича, бу хона турар жой ёки хўжалик хонаси вазифасини бажармаган ва бронза давридаги ўликни хона поллари ва деворлари тагига кўмиш анъанасининг сақланиши деб ҳисоблайди⁸². Бизнинг фикримизча, бу ерда археология ва «Авеста» маълумотлари уйғунлашган, яъни «Авеста»да таърифланган «ката» ўрганилган.

Ёз I даври кулолчилигида ҳам янги анъаналар, янги шаклли идишлар пайдо бўлади. Ёз I даврига келиб Ўрта Осиё кулолчилиги тарихида биринчи маротаба идиш қопқоқларининг пайдо бўлганлигини ва кенг тарқалганлигини кузатишимиз мумкин⁸³. Бу ҳолатни ҳам кишиларнинг диний ва идеологик қарашларининг ўзгарганлиги аломати деб баҳолаймиз ва зардуштийлик урф-одатлари билан боғлаймиз. Негаки, зардуштийлик урфи бўйича овқат тайёрлаш чоғида ёнаётган оловга ёки кулга овқатнинг томчилари сачраши мумкин бўлмаган⁸⁴. Кучуктепа, Талашқон тепаликларидан топилган қопқоқларнинг диаметри қозонлар гардиши

⁸¹ «Авесто». Видевдат, 8.5.

⁸² Сагдуллаев А.С. «Авесто»да акс этган диний маросимлар ... – Б. 21.

⁸³ Аскарлов А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... – Рис. 34; Ш.Б.Шайдуллаев. Северная Бактрия в эпохе раннего железного века ... – Рис. 17.

⁸⁴ Мери Бойс. Зороастрийцы. Верования и обычаи. - М. 1987. - С. 56.

диаметри билан мос келиши ва кўп ҳолларда қопқоқларнинг оловда қорайганлиги шу хулосани айтишга имкон беради.

Кучук I даврига келиб қора базальт тошидан ясалган, биконик шаклдаги ёрғучоқ ва ўғирчалар пайдо бўлади. Шу сингари тош қурооллар Миршоди ёдгорликларидан топилган. Тадқиқотчилар томонидан ушбу қурооллар ибодат қурооллари деб аталиб, ўсимликларни янчишда (хаома тайёрлашда) қўлланилган деб ҳисоблайдилар⁸⁵.

Сополли маданиятидан фарқли ўлароқ Кучук I даврида ибодатхоналар қурилмаган. Ҳар ҳолда, ҳозирча, археология фани шу даврга оид маҳобатли қилиб қурилган ибодатхоналарни билмайди. Одам ва ҳайвонлар тасвири ифодаланган ҳар хил терракот ҳайкалчалар яшаш одати ҳам унутилган⁸⁶. Бактрия ва унга қўшни бўлган ҳудудлардаги бу ўзгаришларни ҳам зардуштийликнинг кенг тарқалганлигида деб биламиз. Шу ерда «тарих отаси»нинг ҳаммага маълум бўлган қуйидаги хабарини келтирсак мақсадга мувофиқ бўлади: «... ибодатхоналар ва алтарлар қуриш уларга хос эмас. Менинг фикримча улар эллинлар сингари худоларни одам сифат деб тасаввур қилмайдилар»⁸⁷.

Ёз I даври аҳолисининг этник таркиби тўғрисида ҳам фанда талайгина фикрлар айтилди. Айниқса, бу масала Ёз I маданиятининг пайдо бўлиши масаласида кўп тортишувларга сабаб бўлди. Биринчи гуруҳ олимлар Ёз I маданияти аҳолисини шимолий кўчманчи - Андронов маданияти билан боғласалар, иккинчи гуруҳ олимлар бу маданият илдизларини Эрон ҳудудидан излайдилар. Учинчи гуруҳ олимлар эса Ўрта Осиёнинг ўзидан, яъни ўтроқ аҳоли ва шимолий кўчманчи маданиятлар ва халқларнинг ассимиляцияси натижасида Ёз I маданияти шаклланган деб ҳисоблайдилар⁸⁸. «Авеста» маълумотлари бўйича, зардуштийлик динининг асосчилари

⁸⁵ Сағдуллаев А.С. «Авесто»да акс этган диний маросимлар ... – Б. 22.

⁸⁶ Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. - М.: 1960. - С. 37-38.

⁸⁷ Геродот I, 131.

⁸⁸ Аскарлов А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа ... – С. 47.

Арийлар бўлган. Археологик жиҳатдан Ёз I даврини зардуштийлик шаклланган давр деб ҳисоблайдиган бўлсак, Арийлар муаммоси ҳам шу масала билан боғлиқ ҳолда ечилади.

«Авеста»да арийлар «...узун бўйли, оқ танли, сарик сочли кишилар», - сифатида таърифланган. Аёллари эса «малла кўзли, узун сочлари ўрилган», - деб тасвирланган⁸⁹. «Ригведа»да ҳам арийларнинг оқ танли эканлиги эсланади⁹⁰. Арийларнинг археологик жиҳатдан қайси маданият соҳиблари эканлиги илмий жиҳатдан ўз ечимини топган масала эмас. Фикримизча, ушбу масаланинг ечимига энг яқин келган олима Е.Е. Кузьмина ҳисобланади. Унинг фикрича, Андронов маданияти соҳиблари «Авеста» ва «Ригведа»да таърифланган Арийларга ниҳоятда яқинлиги билан характерланади⁹¹. Ҳақиқатдан ҳам, Андронов маданияти тарқалган ҳудудларда қишнинг узок давом этиши, аҳолисининг кулолчилик чархини билмаганлиги, антропологик жиҳатдан нисбатан йирик инсонлар бўлганлиги, Андронов маданиятининг жанубга, ҳаттоки Ҳиндистонгача тарқалишининг археологик кузатилиши олимага шу фикрга келишга имкон берган.

В.И. Сарияниди ҳам Бактрия ва Марғиёнанинг бронза даври аҳолисини арийлар сифатида билади⁹². Жарқўтондан топилган ҳайкал асосида гапирадиган бўлсак, Бактриянинг бронза даври аҳолиси «Авеста» ва «Ригведа»да таърифланган «арий»лар қиёфасига умуман ўхшамайди. Маълумки, Жарқўтондан топилган эркак кишининг бюст-ҳайкалида унинг юз-ёноқлари қизил, сочлари, соқол ва мўйлаблари қора рангда, қирра бурун қилиб тасвирланган⁹³. Жарқўтоннинг аҳолиси борасида В.М. Массоннинг

⁸⁹ «Авесто», Ясна, 26, 3; «Авесто», Яшт, 5, 7, 15, 64, 78, 126; 13, 107; 17, 11; M.Dhalla. Zoroastrian Civilization. - New York, 1922. - P.107.

⁹⁰ Елизаренкова Т.Я. Древнейший памятник индийской культуры - Ригведа. - М.: 1972. - С. 11; Т.Я.Елизаренкова. «Ригведа» - великое начало индийской культуры и литературы. Ригведа, Мандалы I-IV. - М.: 1989. - С. 433.

⁹¹ Кузьмина Е.Е. Откуда пришли Арийцы ... - С. 247.

⁹² Sarianidi V.I.. Sial-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. - New York, 1981. - P. 221-225.

⁹³ Шайдуллаев Ш.Б, Диетрих Хуфф, К.Рахимов. Жарқўтон - 2002 // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. № 2, - Тошкент, 2003. - Б. 17-20.

«Ўрта Осиёнинг бронза даври деҳқончилик маданияти соҳиблари арийлар эмас...» деган фикрини қўллашимизга тўғри келади⁹⁴.

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Авеста» яратилган давр, яъни Ёз I маданиятининг пайдо бўлишида Андроново маданиятининг ўрни хусусида ҳам маълум фикрлар айтилиб, арийлар билан боғланган. Арийлар ва уларнинг этник хусусиятлари алоҳида мавзу бўлиб, ушбу параграфнинг мақсадига кирмаса-да, Жарқўтондан топилган ҳайкал бу масалага аниқлик киритадиган ашёвий манба бўлганлиги учун қисқача тўхталдик, холос.

Ушбу параграфга яқин ясаб шуни айтишимиз мумкинки, археологик тадқиқотлар мобайнида олинган моддий маданият намуналарини «Авеста» маълумотларига таққослаш натижасида айтишимиз мумкинки, Ёз I даврида Бактрия, Марғиёна ва Сўғдиёна ҳудудларида зардуштийлик урф-одатлари кенг тарқалган ва шу даврни «заратуштра» даври деб аташ мумкин.

Зардуштийлик динининг идеологиясига монанд аҳолининг моддий маданияти ва урф-одатлари ҳам ўзгариб борган. Буни биз энг аввало, майитни ерга кўмиш одатининг барҳам топганлигида кўрамиз.

Қадимги Шарқ халқларидек, ҳар хил илоҳлар-худолар номига атаб қурилган ибодатхоналар ҳам бунёд этилмай қўйган. Кучуктепа маданияти аҳолиси Геродот маълумотларига монанд худоларни одамсифат деб тасаввур қилмаган ва уларнинг шарафига ҳайкаллар ҳам ясалмаган.

Кучук I даври аҳолиси бронза даврида кашф этилган, ҳунармандчиликнинг энг ривожланган ютуқларидан бири бўлган кулолчилик чархидан фойдаланмасликни ҳам афзал кўришган. Бу ҳолатни биз икки хил йўл билан тушунтиришимиз мумкин. Биринчи йўл, Е.Е. Кузьмина ва Бертилл Лионет фикри бўйича бориб, Арийларнинг қўлда ясалган кулолчилик ашёларидан кенг фойдаланишини аجدодлар руҳига ҳурмат маъносида

⁹⁴ Массон В.М. Печати протоиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока) // ВДИ. - М.: 1977, №4. – С. 185-194.

тушуниш керак. Иккинчи йўл, Кучук I маданиятининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Сополли маданиятининг инқироzi ва Кучуктепа маданиятининг пайдо бўлишини бир-бирига боғлиқ бир масаланинг икки томони сифатида қараш керак. Фикримизча, Сополли ва унга турдош бўлган Номозгоҳ, Даштли маданиятлари кучли давлатчилик сиёсатининг ўрнатилмаганлиги сабабли инқирозга юз тутган. Яъни, жамоалар ўртасида иқтисодий ва ҳарбий бирликнинг йўқлиги, жамоа бошлиқларининг ягона бошлиқ (шоҳ) атрофида жипслашмаганлиги оқибатида бу маданиятлар инқирозга юз тутган.

Т.Ш. Шириновнинг илмий тадқиқотларидан бизга маълумки, Жарқўтон ёдгорлиги ўзбек давлатчилиги тарихининг илк босқичи - шаҳар-давлатлар тоифасига мансуб. Бу даврда жамоа бир-бирига қарши бўлган антогонистик гуруҳларга ажралмаган. Жарқўтонда ўрганилган икки мингдан ортиқ қабрларнинг статистик анализи шунини кўрсатадики, бой ёки камбағал тоифадаги кишилар бўлган, лекин қуллар бўлганлиги тўғрисида бирорта ашёвий манба йўқ. Ҳунармандлар, деҳқонлар, чорвадорлар ёки диндорларнинг ўз жамоалари бўлиб, алоҳида-алоҳида яшаган⁹⁵. Фикримизча, антогонистик жамиятга ажралмаган, иқтисодий жиҳатдан бир-бирига қарам бўлмаган жамоа тинч йўл билан янги дарё ўзанлари - деҳқончилик воҳалари томон тарқалиб кетган. Натижада, Бақтрия, Марғиёна ҳудудларида Кучуктепа, Ёздепа маданиятлари даврида кичик - кичик, умумий майдони 0,6 - 1,5 гектарлик ёдгорликлар пайдо бўлган. Сополли маданияти даврида қулчилик билан махсус қуллар шугулланган бўлса, Ёз I даврига келиб тарқалиб кетган ҳар бир жамоа қулчилик билан шугулланишга мажбур бўлган. Натижада, маълум бир вақтда, яъни жамоада янги профессионал қуллар шаклланиш вақтигача қулчиликда деградиция жараёни содир бўлган.

⁹⁵ Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы ... – С. 42.

«Авесто»ни Ўрта Осиё археологиясида Ёз I даври билан боғловчи археолог ва «Авеста»шунос олимлар кўпчилликни ташкил этади.

И.М. Дьяконов «Авеста»да пул муносабатлари, солиқ тўловлари, алоқа йўллари, Аҳамонийлар империяси ва сатрапликлари бошқаруви усуллари тўғрисидаги маълумотлар учрамайди», - деган хулосага келган. Бу маълумотлар фанда «Авеста» даври моддий маданиятини ўрганиш ва шу асосда унинг ёшини аниқлашда янги илмий йўналиш бўлиб хизмат қилган⁹⁶.

М.М. Дьяконовнинг ёзишича «Авеста» жамоасининг моддий маданияти архаик формада бўлган, бу жамоа умуман шаҳарларни билмайди. Меҳнат таҳсимоти, яъни деҳқончиликдан ҳунармандчиликнинг ажралганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар йўқ, ҳаттоки, бу жамоа темирдан меҳнат курольларини ясашни ҳам билмаган», - деган фикрга келган⁹⁷.

Бошқа тадқиқотчилар «Авеста» жамоасининг темирни билганлигини ва ундан ҳунармандчиликда кенг фойдаланганлиги хусусида, «Авеста»да ҳунарманд, кулол, тўқувчи каби сўзларни англатган ибораларни, каналлар қазилганлиги тўғрисида маълумотларни топишган⁹⁸.

Тадқиқотчилар томонидан «Авеста» даври аҳолисининг ижтимоий гуруҳларга ажралганлиги ёки жамоанинг ҳуқуқсиз аъзолари (*vīra*, *vaesa*) ҳақида маълумотлар борлиги аниқланган. Аслзода (*azata*, *asna*), ҳарбий (*ravaestar*), ҳукмдор (*sastar*, *satar*) каби аҳолининг ижтимоий қатламларга ажралганлига хусусида ҳам илмий изланишлар қилинган. Асарда келтирилган ижтимоий терминлар асосида тадқиқотчилар «Авеста» даври жамоасининг ижтимоий таркибини ҳам ишлаб чиққанлар: оила (*nmana*) → уруғ, уруғ жамоаси (*vis*) → қишлоқ жамоаси (*zantu*) → вилоят, мамлакат (*dahyu*). Шу изланишлар натижаси ўлароқ оила бошлиғи (*nmanopati*), уруғ

⁹⁶ Дьяконов И.М. Истории Мидии от древнейших времен до конца IV века до н.э. - М., - Л., 1956. - С.7-48.

⁹⁷ Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА.Том XIX, 1954.

⁹⁸ История таджикского народа. С древнейших времен до V века н.э. Том I. - М., 1963.

оқсоқоли бошлиғи (vispati), жамоа бошлиғи (zantupati), вилоят, мамлакат хукмдори (dainhupati), вилоятлар бирлашмаси «dainhusasti» терминлари давлатчилик тарихи учун қимматли ҳисобланади⁹⁹.

«Авеста» даври жамоаси уч қисм - «ратайштар», «атриван» ва «вастрьо-фшуйант»дан иборатлиги аниқланган. И.Н. Пьянковнинг фикрига қараганда, «ратайштар» археологик жиҳатдан платформалар устига қурилган аркларда, «атриван» арклар атрофида қад кўтарган қалъасифат қўрғонларда, учинчи қатлам «вастрьо-фшуйант» эса аркисиз қишлоқларда яшаган аҳолига нисбатан ишлатилган¹⁰⁰. Тадқиқотчининг аниқлашича, арклар атрофида қарам аҳоли, аркисиз қишлоқларда эса озод деҳқонлар истиқомат қилган.

«Авеста» жамоасининг ижтимоий характерини белгиловчи «vīra» ёки «vaesa» терминларини И.М. Дьяконов уй хизматкори, қул деб тушунса, В.М. Массон оиланинг, жамоанинг кичик аъзоси деб билади. Маълумки, аҳолининг антогонистик синфларга ажралганлигини билдирувчи археологик белги, бу аркларнинг пайдо бўлишидир. Ўрта Осиё археологиясида илк маротаба мудрофаа деворлари билан ўралган, шахристондан алоҳида ажралиб турган, платформалар устида қурилган арклар Ёз I даврида пайдо бўлади. Зардуштийлик урф-одатларига кўра «насасса»ларни жамоанинг қуйи табақа аъзоларига қўшиш мумкин.

«Авеста»дан суғорма деҳқончиликнинг бўлганлигини тасдиқловчи, яъни каналлар қазилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўқиса бўлади. Шимолий Бақтриядаги энг қадимги Бандихон канали ҳам Кучук I даврига тўғри келади¹⁰¹.

⁹⁹ Авесто. Михр яшт. 87.

¹⁰⁰ Пьянков И.Н. Социальный строй древнеземледельческих народов Средней Азии (Опыт исторических реконструкции) // Центральная Азия. Источники, история, культура. Тезисы докладов конференции, посвященной 80- летию Е.А.Давидович и Е.А.Литвинского. Москва, 3-5 апреля 2003 года. - М., 2003. - С.132-135.

¹⁰¹ «Авесто», Видевдат, 5,5,6,2;12,13,38; Б.В.Андрианов. Роль ирригации в становлении древних государств // От классовых обществ к раннеклассовым. - М., 1987.

«Авеста»да хунармандчиликнинг яна бир тури темирчиликнинг ва умуман темирнинг кашф этилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар бўлмасада «Кичик «Авеста»»даги «ауаһ» сўзини В. Гейгер темир деб ўқиган бўлса, А. Бартоломэ бу терминни умумлаштириб металл деб таржима қилган, археологик жиҳатдан Ёз I даври А.С. Сагдуллаев томонидан Ўрта Осиёда бронза давридан илк темир даврига ўтиш даври деб аталган¹⁰².

Қиш даврида, ёмғир ва қорли кунларда ҳар бир жамоада, ҳар бир қишлоқда майитлар учун алоҳида хона - «ката» қурилганлиги маълум¹⁰³. Қурилган хонанинг кўлами одам тик турганда боши шиптга, ётганда эса қўл ва оёқлари деворларга тегмаслиги лозим бўлган. Шу хонада мурда маълум вақт, токи «қушлар учиб келгунча ва кунлар исигунча» сақланиши мумкин бўлган. Фикримизча, археологик жиҳатдан шундай хона Қизилтепа қазишмалари чоғида ҳам ўрганилган. Ушбу хонадан одам суяқларининг бўлаклари топилган. Ўрганилган хонанинг сатҳи 9 кв.м бўлиб, қалин тоза тупроқ қатлами билан тўлдирилган. Бизнинг фикримизча, бу ерда археология ва ёзма маълумотлар уйғунлашган, яъни «Авеста»да таърифланган «ката» ўрганилган.

Ёз I даври кулолчилигида ҳам янги анъаналар, янги шаклли идишлар пайдо бўлади. Ёз I даврига келиб Ўрта Осиё кулолчилиги тарихида биринчи маротаба идиш қопқоқларининг пайдо бўлганлигини ва кенг тарқалганлигини кузатишимиз мумкин¹⁰⁴. Бу ҳолатни ҳам кишиларнинг диний ва идеологик қарашларининг ўзгарганлиги аломати деб баҳолаймиз ва зардуштийлик урф одатлари билан боғлаймиз. Негаки, зардуштийлик урфи бўйича овқат тайёрлаш чоғида ёнаётган оловга ёки кулга овқатнинг томчилари сачраши мумкин бўлмаган¹⁰⁵.

¹⁰² Geiger W. Ostiranische Kultur im Altertum. - Erlangen, 1882. - P.338.

¹⁰³ «Авесто». Видевдат, 8.5.

¹⁰⁴ Аскарлов А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент, 1979; А.С.Сагдуллаев. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент, 1987; Ш.Б.Шайдуллаев. Северная Бактрия в эпохе раннего железного века. – Т., 2000.

¹⁰⁵ Мери Бойс. Зороастрийцы. Верования и обычаи. - М., 1987. - С.56.

Сополли маданиятидан фарқли ўлароқ Кучук I маданияти даврида ибодатхоналар қурилмаган. Ҳозирча, археология фани шу даврга оид маҳобатли қилиб қурилган ибодатхоналарни билмайди. Одам ва ҳайвонлар тасвири ифодаланган ҳар хил терракот ҳайкалчалар яшаш одати ҳам унутилган¹⁰⁶. Бактрия ва унга қўшни бўлган ҳудудлардаги бу ўзгаришларни ҳам зардуштийликнинг кенг тарқалганлигида деб биламиз. Шу ерда «тарих отаси»нинг ҳаммага маълум бўлган қуйидаги хабарини келтирсак мақсадга мувофиқ бўлади: «... ибодатхоналар ва алтарлар қуриш уларга хос эмас. Менинг фикримча улар эллинлар сингари худоларни одам сифат деб тасаввур қилмайдилар»¹⁰⁷.

Демак, зардуштийлик динининг идеологиясига монанд аҳолининг моддий маданияти ва урф одатлари ҳам ўзгариб борган. Буни биз энг аввало, майитни ерга қўмиш одатининг барҳам топганлигида кўрамиз.

«Авеста», илк давлатчилик ва археология. «Авеста» пайдо бўлган Ёз I даврида синфий муносабатлар тўлиқ шаклланган. Аҳолининг синфий табақаланганлигини тасдиқловчи манба аркларнинг пайдо бўлишидир. Ёз I даврида Ўрта Осиёда илк маротаба мудофаа деворлари билан ўралган арклар пайдо бўлган бўлса¹⁰⁸, «Авеста»нинг деярли барча қисмларидан жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тенгсиз аҳолиси тўғрисидаги маълумотларни топиш мумкин. Митрага ибодат қилганда унга бой ёки камбағал одамларнинг фарқи йўқлигига ишора этилган.

Ҳукмдорларнинг уруш олдидан Митрадан мадад сўраш одатининг мавжудлиги илк давлатларнинг «Авеста» даврида шаклланганлигини ва улар ўртасида яқка ҳокимлик учун кураш бўлиб турганлигига ишора деб тушуниш

¹⁰⁶ Бертельс Е.Э. История персидско - таржикской литературы. - М., 1960. - С.37-38.

¹⁰⁷ Геродот I, 131.

¹⁰⁸ Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. - М., -Л., 1959; В.И.Сарианиди Раскопки Тиллятепе в северном Афганистане. - М., 1972; А.А.Аскаров, Л.И.Альбаум Поселение Кучуктепа. – Ташкент, 1979; А.С.Сагдуллаев Древнеземледельческие поселения предгорий Байсунтау // История и археология Средней Азии. - Ашхабад, 1978.

керак¹⁰⁹. «Авеста» даврида илк давлатларнинг шаклланганлигини исботловчи яна бир маълумот борки, бу Митранинг унга имон келтирган мамлакатларнинг бутунлигини сақлаб, зафарларга эришиши ҳақида ундашидир¹¹⁰. «Мазда берган кўркабой, Хаошйанха Парадата, Хара тоғи остида, Ашига номоз йўллаб...»¹¹¹. Бу маълумотдан шуни англаш мумкинки, Парадата сулоласидан бўлган ҳукмдор Хушанг (Хаошйанха) мамлакатни ҳар хил офатлардан қутқариш учун Ашидан тилак сўрайди. Аши тилакларни бажо келтиради. Бу маълумотдан яна шуни англаш мумкинки, Парадата сулоласи бошлиқ мамлакат ёхуд ҳудудий давлат бўлган, гап унинг ҳукмдори Хушанг тўғрисида кетмоқда.

«Авеста»да Атвийа уруғи вориси Трайтаона тўрт бурчакли Варнада (кўрғонда) Ашидан мадад сўрагани ва Ашининг унга мадад берганлиги тўғрисидаги маълумот Атвийа мамлакати тўғрисида хабар берса¹¹², яна бир мифологик юрт Хйаонадир. Унинг ҳукмдори Арэжатаспа бўлиб, Виштаспанинг душмани саналган, яъни зардуштийликни қабул қилмаган. Виштаспа унга қарши курашда Ашидан мадад сўраганлиги тўғрисида хабарлар бор¹¹³.

Яштдаги илк кавилардан бўлган Усан ва Хаусравнинг «бутун арийлар мамлакати устидан ҳукмронликка интилганлиги» тўғрисидаги маълумотлар жуда қимматлидир¹¹⁴. Илк Кавиларнинг яшаган даврини И.В. Пьянков мил.ав. 900-775 йиллар билан белгилайди, бунга Кави Ваштаспанинг ҳукмронлик даврини ва унинг саройида Зардуштнинг яшаган даврини мил.ав. VII асрнинг иккинчи ярми деб ҳисобланишини асос қилиб олади¹¹⁵.

Яштда кўчманчи тур қабиласининг шоҳи Франграсьян (Афрасиёб) бутун арийлар мамлакатининг ҳукмдори сифатида тилга олинади¹¹⁶.

¹⁰⁹ «Авесто». Митра, 8.

¹¹⁰ «Авесто». Митра, 26.

¹¹¹ «Авесто». Аши, 24.

¹¹² «Авесто». Аши, 33.

¹¹³ «Авесто». Аши, 50.

¹¹⁴ «Авесто». Яшт, V, 45, 46, 49, 50.

¹¹⁵ Пьянков И.Н. Древнейшие государственные образования Средней Азии // Древние цивилизации Евразии. История и культура. - М., 2001. - С. 334-348).

¹¹⁶ «Авесто». Яшт, XIX. 93.

Александр Македонский армиясининг Мароқанддан Бактрга кетиш йўлида Наутака, Ксениппа, Бубакена ва Габаза ўлкалари билан бирга Паретакадан ўтганлиги тўғрисида маълумотлар сақланган¹¹⁷. Бизнинг фикримизча «Авеста»да эсланадиган «Парадата» ва юнон манбаларида таъкидланган «Паретака» бир мамлакатни, Бактрия ҳудудидаги ҳудудий давлатни англатади.

Видевдат алқовида ифодаланган кўплаб мамлакатларнинг географик талқини ўз ечимини топган¹¹⁸. Аммо, Арьяна-Вайджа мамлакатининг географик жойлашиши масаласи ўз ечимини топгани йўқ. И.В. Пьянков «Авеста»да келтирилган Датъя дарёси бўйида жойлашган Арьяна-Вайджа мамлакатини Бактриянинг жанубий қисмида, Амударёнинг чап соҳилларига жойлаштиради¹¹⁹. Бошқа тадқиқотчилар Хоразмни Арьяна-Вайджа сифатида кўришни истасалар, учинчи гуруҳ олимлар эса Арьяна-Вайджани географик термин сифатида кенг ҳудудда, яъни ўрта ва сўнгги ўрта асрлардаги Моварауннахр ёки Туркистон сифатида биладилар¹²⁰.

Шундай қилиб, «Авеста»нинг Яшт китобида эсланадиган Парадата (Паретака), Атвийа, Хйана, Кави ва Тур каби юрт номларини шаклланиб келаётган ҳудудий давлатлар сифатида қабул қилишни таклиф этамиз. Фикримизча, шу ва шу каби ҳудудий давлатлар асосида Арьяна-Вайджа, Гава Сугда, Мору, Бахди, Хоройу каби йирик давлатлар пайдо бўлган.

¹¹⁷ Арриан. Поход Александра. Пер. М.Е.Сергеенко. - М.,-Л., 1962; Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Пер. В.С.Соколова. - М., МГУ, 1963.

¹¹⁸ Ртвеладзе Э.В, Саидов А.Х, Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. – Ташкент, Адолат, 2000. Приложение: Видевдат. - С. 216-219.

¹¹⁹ Пьянков И.Н. Древнейшие государственные образования ... - С. 334-348.

¹²⁰ Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. - Тошкент, Ўқитувчи. 1996. - Б.17.

Хулоса

Қадимги тарихимизни яратиш, ҳамда «Авесто»нинг 2700 йиллик юбилей тантаналарига бағишланган БМТнинг Фан ва маданиятни ривожлантириш тарихий обидаларни асраш кенгашининг (ЮНЕСКО) яқунловчи 155 – сессиясида президентимиз И.А. Каримов «энг мўтабар, қадимги қўл ёзмамиз «Авесто» нинг яратилганлигига уч минг йил бўлаяпти. Бу нодир китоб бундан ўттиз аср муқаддам икки дарё оралиғида, манашу заминда умргузаронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меъросидир. «Авесто» айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳечким инкор этолмайди» дея ишонч билан таъкидлаган эдилар.

Мустақиллик йилларида, Ўзбекистонда «Авесто»ни ўрганиш, уни татқиқ этишда ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро «Авесто» шунослар Ўзбекистонда зардуштийлик дини изларини ўрганиш, ривожлантириш, илмий алоқаларни ўстириш, илмий мулоқатлар диапозонини кенгайтириш, олинган илмий маълумотларни чоп этиш борасидаги алоҳида ишларни амалга оширмоқдалар. Энг асосийси, тарихимиз янги манбалар билан бойимоқда. «Авесто» жамиятини ўрганиш, уни чуқур илмий татқиқ этиш бугуннинг долзарб муаммосига айланмоқда. Диссертациямизда «Авесто»да оила ва жамият, оиланинг жамиятдаги ўрни таҳлил қилиниб ўрганилди. Бу борадаги ўзгаришлар халқимизнинг маданияти, урф одатлари нақадар чуқур илдизга эга эканлигидан далолат бермоқда.

Ундан ташқари «Авесто»нинг Яшт, Видевдот, Виспарат, Ясна каби бўлимлари ўрганилиб, оилада ота-онанинг ўрни, ака-ука, опа-сингил мунособатлари масалалари кўриб чиқилди. Жамиятнинг шаклланишида

оилаларнинг ўрни ва бу жамият негизида шаклланадиган давлатлар хусусида сўз борди.

Назарий ўрганилган маълумотлар моддий манбаларда акс этиши кузатилди. Масалан, Бақтриядаги Кучуктепа, Марғиёнадаги Ёздепа каби ёдгорликларда кузатилган ашёвий манбалар, жамиятнинг нақадар ривож топганлигидан ва оилавий мунособатлар жамият негизини ташкил этганлигини гувоҳлик беради.

А.А. Асқаров Сополли маданиятининг пайдо бўлишини Мурғоб воҳаси билан боғлайди ва уларнинг ҳам зардуштийлик динига эътиқод қилганлигини маълум қилади.

«Авесто» нинг ўрганилиши, татқиқ этилиши қадим ўтмишда яшаган халқларимизнинг турмуш тарзи, маданиятидан янада чуқурроқ маълумотлар олиш имкониятини берди.

«Авесто» жамиятида оила жуда муҳим ижтимоий бирликни акс эттирган, ҳаттоки зардуштийлик дининг эзгулик худоси Ахурамазда ҳам оиласи билан акс этирилганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак «Авесто» нафақат диний, тарихий манба сифатида талқин этилади, балки унда ахлоқ, одоб, маърифат, маданият, куртаклари борки, бу халқимизнинг қон – қонига сингиб кетган қадриятларимизда ўзининг аксини топган. «Авесто»да жамият унда инсоннинг ўрни кенг этироф этилганки, бу қадим давлатчилик тарихимизга бориб тақалади десак ҳеч муболоға бўлмайди.

Сўзларнинг қисқача изоҳли луғати.

Авесто	Зардуштийлик динининг муқаддас китоби.
Амэрэтот	абадий барҳаётлик.
Анахита	Поклик илоҳи
Ангро Майнью(Ахриман)	Ёвузлик , Зулмат ўлим худоси.
Ардви	мифологик дарё номи.
Ассирия	Ҳозирги Эрон худудида вужудга келган қадимги давлат.
Атар (алтар)	олов маъбуди
Ахура –Мазда	Эзгулик худоси” олий худо.
Аши	ҳақиқит.
Аэшма девининг хосиласи	бу ғазаб
Баври	Уч бошли ажидаҳака(аждоҳо) .
Вертрагна	уруш ғолиблик маъбудаси.
Вис	қишлоқ
Виспат	қишлоқ оқсоқоли хотини.
Виспати	қишлоқ оқсоқоли
Виштасп	Хиёнийлар подшоси , тақвадор .
Вохумана	Эзгу фикр.
Гава	Суғдлар яшайдиган Зардушт яратган иккинчи юрт.
Дахйу	юрт
Дахйупат	юрт ҳокими хотини.
Дахйупати	юрт бошлиғи.
Дурудже	энг улуғ гуноҳ, бу ерда ёлғон эътироф этилган

Замйад яшт	Ер маъбуди .
Зантума	туман
Зантупат	туман оқсоқоли хотини.
Зантупати	туман оқсоқоли.
Кавилар	Зардуштга қадар қоҳин шоҳлар.
Карапан	Мазда дини душманлари.
Маздаясна	Маздага сиғинувчи бандалар.
Маршван деви	Унутилиш хотирасизлик рамзи.
Наб	халқ
Нмано	уй
Нманупат	уй бекаси
Нманупати	уй эгаси эркак.
Олд томон	Жануб шунақа аталган
Рашну	тартиб , интизом ва адолат маъбуди.
Роман	Осойишталик тинчлик маъбуди.
Саэна иррға	эртаклардаги семруғ куши.
Сраоша	Намоз ва эътиқод ишлари нозири.
Тўрт бурчакли Варнада	Мифологик юрт.
Тштрийа	Зухра юлдузи
Фарн	Илоҳий ато этилга бахт.
Хамаспадмаэда	Наврўз арафасидаги ўн кун (ҳозирда хамал дея юритилади)
Хаома муқаддас ичимлик	Эфедра ўсимлиги ва сутдан таёрланган
Хара	Мифологик тоғнинг номи. Митранинг юрти.
Хатро	бир чақирим масофа
Хаурватат	соғлик саломатлик.
Хванираша	Ер юзининг одамла яшайдиган қисми.

Чўнг

Шараф уйи

жанг болтаси

Зардуштийликдаги жаннат.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.;1997.
2. Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. «Ўзбекистон» .
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсоғасида . хавфсизликга таҳдид барқарорлик шартлари ватараққиёт кафолатлари. Т.;1997.
4. Boyce M.A. History of Zoroastrianism. Vol. II. Under the Achaemenians. - Leiden-Koln, 1982.
5. Geiger W. Ostiranische Kultur im Altertum. - Erlangen, 1882.
6. Lyonnet B. Ceramique et peoplement du chalcolitique a la conquete arabe ...
7. M.Dhalla. Zoroastrian Civilization. - New York, 1922.
8. Ray W. Topferei und Tongesheir im vedischen Indian // AWL. Jg. 1972.
9. Sarianidi V.I.. Sial-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. - New York, 1981.
- 10.W.Geiger, Ostiranische Kultur im Altertum. - Erlangen, 1882.
- 11.W.Ray. Zur vedischen Altertumskunde // AWL. Jg. 1983, 1.
- 12.W.W.W.E-tarix.uz
- 13.“Авесто” вამиллий истиклол ғояси ; Ватан тарихи давлатчилиқ ва мафкура муаммолари, илмий назарий конференция. Қарши “Насаф” 2002
14. «Авесто Видевдот»
15. «Авесто яшт» китоби
- 16.«Авесто» Иброҳим Пур Двуд таржимаси . Бомбей “Кома институти” 1926 , қайта нашри 1933
- 17.«Авесто» Коссович К. Таржимаси Санкт- Петербург “Наука” 1861
- 18.«Авесто», Ясна,


- 19.«Авесто». Митра, 26.
- 20.«Туркистон» газетаси 2001 № 3 сони.
- 21.А.А.Аскарлов, Л.И.Альбаум Поселение Кучуктепа. – Ташкент, 1979.
- 22.А.А.Аскарлов. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы ...
- 23.А.С.Сагдуллаев Древнеземледельческие поселения предгорий Байсунтау // История и археология Средней Азии. - Ашхабад, 1978.
- 24.А.С.Сагдуллаев. «Авесто»да акс этган диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар // «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Ташкент-Урганч, 2001.
- 25.А.С.Сагдуллаев. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент, 1987.
- 26.Абаев В.И. Два зароастризма в Иране // ВДИ. - М.: 1990, №4.
- 27.Арриан. Поход Александра. Пер. М.Е.Сергеенко. - М.,-Л., 1962.
- 28.Аскарлов А.А. Сапаллитепа ... –Табл.ХХІ;
- 29.Аскарлов А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент, 1979;
- 30.Б.В.Андрианов. Роль ирригации в становлении древних государств // От классовых обществ к раннеклассовым. - М.: 1987.
- 31.Бертельс «Авесто» т-1 “наука” М-1960
- 32.Бертельс Е.Э. История персидско - таржикской литературы. - М., 1960.
- 33.Бойс М. Зороастрийцы . Верования и обычаи. ., перевод с английского и примечания Стеблин- Коменского М;,. “Наука” 1988
- 34.В.И.Сарианиди Раскопки Тилля-тепе в северном Афганистане. - М., 1972.
- 35.В.И.Сарианиди. Древние земледельцы Бактрии.
- 36.В.М.Массон. Древнеземледельческая культура Маргианы ...
- 37.Геродот I, 131.
- 38.Дьяконов И.М. Истории Мидии от древнейших времен до конца IV века до н.э. - М.,- Л., 1956.

- 39.Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА.Том XIX, 1954.
- 40.Е.Е.Кузмина. Откуда пришли индоарии? - М.: 1994.
- 41.Елизаренкова Т.Я. Древнейший памятник индийской культуры - Ригведа. - М.: 1972.
- 42.Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. МИА . №118. - М.: Л., 1962.
- 43.И.В.Пьянков. Некоторые вопросы этнической предистории таджикского народа // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Вып. II. История и археология. - М.: 1990.
- 44.Исоқов М. «Авесто» Санъат журнали Т; 1993 №-3 сони; Соғлом авлод учун Т; 1996 №- 4 сони; Гулистон журнали Т; № 11 – 12 сонлари.
- 45.Исоқов М. Қаяумов А. ва бошқалар, Қадимги ёзма ёдгорликлар. Т; „Ёзувчи“ 2000.
- 46.Исоков М. таржимаси «Авесто Видевдот» наски . Т :. “Тош. Дав. Шаркшунослик Институти” 2007
- 47.Исоков М. таржимаси «Авесто Яшт» наски . Т :. “Шарқ” 2001
- 48.История таджикского народа. С древнейших времен до V века н.э. Под ред. Б.Г.Гафурова и Б.А.Литвинского, Том I, - М.: 1963.
- 49.Қаяумов А . Беруний ва адабий ижод . Т: „Шарқ” 1973
- 50.Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Пер. В.С.Соколова. - М., МГУ, 1963.
- 51.Қодров О. Саидов А. Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари Т. “Шарқ” 2002.
- 52.Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? - М.: 1994.
- 53.М.Х.Исомиддинов. Истоки городской культуры Самаркандского Согда.

- 54.Маллаев Н. М. X-XII асрлар адабиёти. Т; „Шарк“ 1958 .
- 55.Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. - М., -Л., 1959;
- 56.Массон В.М. Печати протоиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока) // ВДИ. - М.: 1977, №4.
- 57.Мери Бойс. Зороастрийцы. Верования и обычаи. - М. 1987.
- 58.Очерки истории древнего Ирана М; “Наука” 1961
- 59.Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия - Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). -Ташкент, 1990.
- 60.Пьянков И.В. Социальный строй древнеземледельческих народов Средней Азии (Опыт исторических реконструкции) // Центральная Азия. Источники, история, культура. Тезисы докладов конференции, посвященной 80 - летию Е.А.Давидович и Е.А.Литвинского. Москва, 3-5 апреля 2003 года. - М.: 2003.
- 61.Пьянков И.Н. Древнейшие государственные образования Средней Азии // Древние цивилизации Евразии. История и культура. - М., 2001.
- 62.Пьянков И.Н. Социальный строй древнеземледельческих народов Средней Азии (Опыт исторических реконструкции) // Центральная Азия. Источники, история, культура. Тезисы докладов конференции, посвященной 80- летию Е.А.Давидович и Е.А.Литвинского. Москва, 3-5 апреля 2003 года. - М., 2003.
- 63.Ртвеладзе Э.В, Саидов А.Х, Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. – Ташкент, Адолат, 2000. Приложение: Видевдат.
- 64.Сагдуллаев А.С. «Авесто»да акс этган диний маросимлар ...
- 65.Сагдуллаев А.С. Заметки о раннем железном веке Средней Азии // СА. - М.: 1982, №2.

66. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. - Тошкент, Ўқитувчи. 1996.
67. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб Т; „Шарқ“ 1997 .
68. Т.Ш. Ширинов. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс. ... д.и.н. М.. 1993;
69. Т.Я.Елизаренкова. «Ригведа» - великое начало индийской культуры и литературы. Ригведа, Мандалы I-IV. - М.: 1989.
70. Ҳомидий Ҳ „Авесто дан Шоҳномага” Т; „Шарқ” 2007
71. Ҳомидов Ҳ. „Авесто” файзлари Т; „Абдулла Қодирий номидаги халқ нашриёти” 2001
72. Чориев А. Инсон фалсафаси. Т; «Шарқ» 2002
73. Ш.Б.Шайдуллаев. Северная Бактрия в эпохе раннего железного века. – Т., 2000.
74. Шайдуллаев Ш.Б, Дитрих Хуфф, К.Рахимов. Жарқўтон - 2002 // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. № 2, - Тошкент, 2003. – Б.

[illegible]



Слева: древний иранец с пучком прутьев, употреблявшихся при богослужении (золотая пластина из Амударьинского клада). Справа: городище оседлых иранцев Кюзели-гыр с «жилой стеной» (VI в. до н.э. Древний Хорезм)

